

БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ

МУСТАҚИЛ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
НАЗАРИЙ
КОНЦЕПТУАЛ
АСОСЛАРИ

САМАРКАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

САМАРҚАНД-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ
АСОСЛАРИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Ўзбекистон тарихи

Самарқанд -2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори
Ф.Набиев, доцент О.Ирискулов, доцент С.Муҳиддинов

Такризчилар:

Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, профессор
Б.Ғоибов

Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд давлат университети илмий-методик кенгаши (2020
йил “28”-декабрдаги 4- сонли баённомаси).

МУНДАРИЖА

| | | |
|------|-----------------------------------|----|
| I. | МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ..... | 5 |
| II. | ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 11 |
| III. | НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР..... | 17 |
| IV. | АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 47 |
| V. | ГЛОССАРИЙ..... | 69 |
| VI. | АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 74 |

I. МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари” модулининг вазифалари:

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини

таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари” модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини;
- Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириш масалалари;
- Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини;
- Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг назарий ва амалий таълимоти – тарққиётнинг ўзбек модели ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши, бу борадаги ютуқлар, истиқбол режалари, мақсад ва вазифалари билиши керак.

Тингловчи:

- Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири, Ватанимиз нақадар қадимий ва бой тарихга эга эканини, бу тарихнинг яратувчиси, унинг ҳақиқий эгаси ҳам шу заминда яшаётган халқ эканини англаб тарихий тафаккурга эга бўлиш, тарихий ҳақиқатни бугунги кун билан солиштириш, таҳлил қила билиш;
- ўз она юртини дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб билиш ва ундан ғурурланиш ҳиссига эга бўлиш ва буни ўзининг амалий ишларида намоён этиш;
- аждоларимизнинг тарихий меросни ўқиб-ўрганиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тарихий воқеа ва ҳодисаларни таққослаш орқали улардан ўзи, жамият учун муҳим хулосалар чиқариш, бугунги эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш;
- жамият тараққиётида халқнинг, сиёсий йўлбошчиларнинг ўрни ва аҳамияти нақадар катта эканини англаб, уларга ҳаққоний баҳо бериш, аксинча турли хавф-хатарларнинг бу борадаги зарарини тушунтира бера олиш, тарихий мисоллар асосида маърифий тарғибот юритиш, халқнинг савиясини оширишга интилиш;
- тарихий воқеалар ва ҳодисалар бўйича оғзаки ва ёзма нутқ орқали, адабий тил қоидалари асосида ўз нуқтаи назарини эркин ифода этиш, илмий асосланган, мустақил фикрига эга бўлиш ва уларга онгли муносабат билдира олиш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- Ўзбекистонда олиб борилган ислохотларнинг назарий концептуал масалаларини;

- Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг мазмун ва моҳиятини;

- Иқтисодий ислохотлар, унинг босқичлари;

- Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамиятини таҳлил қила олиш каби компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

| | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат | | | | |
|----|---|-----------------------------------|-------------------------|----------|-----------------|----------------|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкلامаси | | | |
| | | | Жами | Жумладан | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғулот | Кўчма машғулот |
| 1. | XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири. | 2 | 2 | 2 | | |
| 2. | Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. | 2 | 2 | 2 | | |
| 3. | Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашуви. | 2 | 2 | | 2 | |
| 4. | Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши. | 2 | 2 | | 2 | |
| 5. | Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш. | 2 | 2 | | 2 | |
| 6. | 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича | 2 | 2 | 2 | | |

| | | | | | | |
|----|---|----|----|---|----|--|
| | Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. | | | | | |
| 7. | Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш. | 2 | 2 | | 2 | |
| 8. | Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. | 2 | 2 | 2 | | |
| 9 | Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар. | 2 | 2 | | 2 | |
| 10 | Ўзбекистонда чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши. | 2 | 2 | | 2 | |
| | Жами: | 20 | 20 | 8 | 12 | |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: “XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири. (2 соат)

Режа:

1. XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.
2. “Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар.

2-мавзу: Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. (2 соат)

Режа:

1. Сиёсий ислохотларнинг бошланиши.
2. Миллий давлат тизимининг барпо этилиши, бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қарор топиши.
3. Жамиятни демократлашувида оммавий ахборот воситаларининг роли.
4. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар.

3-мавзу: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. (2 соат)

Режа:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши.
2. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.
3. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.
4. 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва истиқболлари.

4-мавзу: Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. (2 соат)

Режа:

1. Қонун устуворлигини таъминлашнинг аҳамияти.
2. Суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш зарурияти
3. Тизимдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-мавзу: Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви.

(2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви.
2. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, бос-қичлари ва хусусиятлари.
3. Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми.

2-мавзу Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши. (2 соат)

Режа:

1. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва унинг жаҳонда қўлланилиш услублари
2. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши
3. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг босқичлари ва ривожлантирилиши

3-мавзу. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши,

банк-молия тизимини мустаҳкамлаш. Эришилган янги марралар. (2 соат)

Режа

1. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши
2. Ўзбекистонда банк-молия тизимини мустаҳкамланиши

4- мавзу. Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувиغا янгича услубларни жорий этиш. (2 соат)

Режа

1. Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш
2. Давлат бошқарувиغا янгича услубларни жорий этиш.

5 – мавзу. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар (2 соат)

Режа

1. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари
2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар

6 – мавзу. Ўзбекистонда чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши (2 соат)

Режа

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги янги йўналиш ва услубларнинг қўлланилиши
2. Миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамдўстликнинг мустаҳкамланиши

II. ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|--------------------------|--------------------------|
| S – (strength) | • кучли томонлари |
| W – (weakness) | • заиф, кучсиз томонлари |
| O – (opportunity) | • имкониятлари |
| T – (threat) | • тўсиқлар |

Намуна: Анаънавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

| | |
|---|--|
| Оддий маърузада маърузачи талабалар, тингловчиларга кўп маълумот бера олади | Муаммоли маърузада камроқ маълумот берилади, бироқ улар талабалар онгига сингдириб берилади |
| Ўқитувчи асосан ўзи ва аёлчи, қизиқувчи талабалар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли талабалар камраб олинади | Муаммоли маърузада кўп сонли талабалар, тингловчилар камраб олинади |
| Оддий маърузада фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади | Муаммоли маърузада муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар тухилиши мумкин. |
| Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, талаба учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти | Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, талабаларни мавзудан четга буришга интилишлари |

Резюме, Веер методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

Намуна:

| Фалсафадан малака талаблари | | | | | |
|-----------------------------|-----------|----------------------|-----------|-------------------------------|-----------|
| Собиқ стандартлар | | Амалдаги стандартлар | | Такимллаштирилган стандартлар | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | | | |
| Хулоса: | | | | | |

“ФСМУ” методидан фойдаланиш

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Фалсафадан малака талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


Венн Диаграммаси методидан фойдаланиш


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Фалсафани турли йўналишларда ўқитишнинг фарқли жиҳатлари ўзига хосликлари





Ўқув жараёнида муаммолар ва муаммоли вазиятларни ечишга йўналтирилган интерфаол методлар

“SWOT-универсал таҳлил”

“Дебат”,

Муаммоли вазият яратиш

“Резюме”,

“Т-чизмаси”,

“Венн диаграммаси”,

“Органайзер”,

Ҳар хил чизмалар, жадваллар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол методлар:

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ. XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.

XX аср 80 йилларида совет давлати мамкакатлари ижтимоий-сиёсий мураккаб жараёни бошидан кечириётган эди. 80 йилларнинг биринчи ярми ватанимиз тарихидаги энг мураккаб даврлардан биридир. Бир томондан меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати туфайли Республика иқтисодиёти ривожланди. Иккинчи томондан, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётда муаммолар, нохуш ҳолатлар тўпланиб бориб пировардида инқирозли вазиятни келтириб чиқарди. Мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш батамом тўхтаб қолмаган бўлсада, силжиш суратлари тобора пасайиб секинлашиб борди. Бироқ 1980-йилда ижтимоий ҳаётда иқтисодиётни қайта қуриш демократик жамиятни яратиш учун уринишлар бўлди. Бу уринишлар натижасида жамиятда биров бўлсада бошқарув республика ихтиёрига берилди. Демократлашган жамият вужудга кела бошлади, корхона ва ташкилотларда 1-мавзу: XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири. (2 соат) Режа: 1. XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири. 2. “Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар. 25 хўжалик мустақиллиги кенгайтирилди, бошқарув аппарати қисқарди ва шу каби бир қатор ўзгаришлар жамиятнинг барча қатламларига етиб бормади ва консерватив кучларнинг қаршилигига дуч келди. Жамиятнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юзага келган инқирозли ҳолатнинг сабаблари ва илдизи фикрлашнинг орқада қолганлигида, муайян тарихий шароитга етарли сиёсий баҳо бера олмаганликда эди. Ижтимоий муносабатлар меҳнатни рағбатлантириш тизимининг бузилиши оқибатида мураккаб вазият вужудга келди. Малакали меҳнатга ҳақ тўламасдан камситилди. Барча ишчилар мисол учун врач ва санитар бир хил маош оларди. Натижада аҳолининг меҳнатга бўлган қизиқиши пасайиб борди бу эса унумнинг пасайишига олиб келди, мазкур ҳолат йиллар давомида ўсиб борди маҳсулот танқислигини келтириб чиқарди. Бу ҳолатни биз нафақат ишчилар ҳаққи масаласида балки жамиятнинг ҳар бир кўринишида кўришимиз мумкин. Жумладан соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи соҳаларида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Давлат бюджетидagi маблағ бу ўз навбатида ушбу соҳалардаги моддий техник базасининг эскиришига, таълим жараёни ва аҳолининг тиббий ёрдам олишининг ёмонлашувига олиб келди. Юртимизда ёш авлод таълим олиши учун ўқув қуроллари у ёқда турсин хатто ўқув муассасалари ҳам ёмон аҳволда эди. Республикадаги 9000 га яқин мактабларнинг атига 40 фоизи мактаб учун мўлжаллаб қурилган бинолар қолганлари эса мослаштирилган биноларда ўқирди. Кўплари авария ҳолатида эди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги иккинчи ёки учинчи сменада ўқирди. Ўқувчиларнинг йилига 2-3 ойлаб қишлоқ хўжалиги ишлари билан бандлиги ўқув ишларини ишдан чиқарар эди. Кадрлар тайёрлашда ҳам фақат сон изидан қувилиб сифат эсан чикди. Миллий таҳқирлаш ва камситиш айниқса, кадрлар сиёсатида яққол кўзга ташланарди. Ўзбекистондаги республика, вилоят, шаҳар ва туман партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари, бўлим бошлиқлари Москва

“номенклатура”сида бўлиб, КПСС Марказий Комитети томонидан тайинланар эди. Маҳаллий раҳбарлар фақат номига қўйилган асосий иш 26 маҳаллий раҳбар бўлмаган иккинчи раҳбар кўлида эди. Кадрлар танлашда Ўзбекистоннинг ҳеч қандай ўрни ва роли бўлмаган. Бу ҳақидаги қуйидаги И.Усмонхўжаевнинг иқрори ниҳоятда аҳамиятлидир: “Бир сўз билан айтганда, ҳамма нарсани марказ ҳал қиларди. У нима деса, шу бўларди. Ҳаттоки обкомнинг бўлим бошлиғидан тортиб, райкомнинг биринчи котибигача Москва ихтиёрида турарди. Москва топшириғига кўра 40 ёшдан ошган киши райкомнинг биринчи котиби, 50 ёшдан ошган киши эса обкомнинг биринчи котиби бўла олмасди. У ҳар қанча ишбилармон бўлсин, барибир Москва унинг номзодини ўтказмасди”. Кадрларни танлаш иш ўринларига ва лавозимларга қўйишда ходимнинг иш қобилияти, ишбилармонлиги, савия даражаси, ўз соҳасининг чуқур билимдонлиги ва касб мутахассислиги каби зарур белгилар ҳал қилувчи рол ўйнамасди. Балки ходимларнинг рус тилини қай даражада билиши, Марказга шахсан садоқатлилиги ва “байналминаллиги” ҳисобга олинар эди. Мустамлакачилик ва миллий таҳқирлаш сиёсатининг ёрқин кўринишларидан бири Ўзбекистон КП МҚнинг 1984-йил июнида бўлиб ўтган XVI Пленумидан сўнг Марказдан республикага юборилган “кадрлар десанти” бўлди. Бу ходимлар Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятига мусаффо оқим бахш этмоқдалар, энг йирик партия ташкилотларининг тажрибасини жамлаб, ундан фойдаланишга ёрдамлашмоқдалар” деб мақтанар эди И.Усмонхўжаев Ўзбекистон КПсининг XXI сездигаги ҳисобат маърузасид. Бу “десантчилар” республикада совет, ҳуқуқ тарғибот идораларда раҳбарлик лавозимларида ишладилар ва “лаёқатсиз” кадрлар ўрнини эгалладилар. Худди шу жараён Ўзбекистондан ҳам Россия Федерациясига ходимлар “режали” жўнатилган. Аммо Марказдан келган ходимлар фақат раҳбар лавозимларига жойлаштирилган бўлса, Ўзбекистонлик кадрлар фақат қора меҳнат зоналарида ишлиш ва иш ўрганиш учун юборилган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1973-йилда “Кўчирма оилалар учун енгилликлар” тўғрисида махсус қарор ҳам қабул қилган. Ушбу қарорга асосан ҳар бир кўчирма оилада албатта иккита одам ишга яроқли 27 бўлиши кераклиги кўрсатилади. Бундан ташқари ёлғиз меҳнаткашларни ҳам Россиянинг турли вилоятларига режали юбориш Ўзбекистон вилоятлари зиммасига юкланди. 1987 йилга қадар Ўзбекистон Россиянинг ноқоратупроқ зонаси ва Сибир худудларига жами бўлиб 30 минг фуқарони жўнатди. Кўчирилувчилар сони йилдан йилга ошиб борди. Жумладан, оиласизлар 1981-йилда 4124 бу кўрсаткич 11099 кишига етди. Демак бу жараён янада жадалашди, Ўзбекистонлик ишчилар ерларни ўзлаштириш, қурилиш яъни турар-жой биноларини қурдилар. Шундай шароитда савол тўғилади Ўзбекистонда малакали кадрлар йўқ эдими ёки Россияда ишчи кучи мавжуд эмасмиди? Бу сай-ҳаракатларнинг туб замирида бошқа ғоя ётар эди у улуг давлатчилик шовинизм сиёсатининг таркибий қисми саналиб, у кичик миллитларни ассимилясия қилиб юборишдан иборат бош мақсадга хизмат қилади. Шовинизм сиёсатининг барча ижтимоий сиёсий жабҳаларда таъсири кенг кўламли ва у халқ яшаш шароитини янада оғирлаштириб борган. Буни биз хусусан қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Демак қишлоқ хўжалигида сифат кўрсаткичлари йилдан йилга пасайиб борди. Меҳнаткаш аҳоли ўз меҳнатига яраша ҳақ олмаганлиги сабабли меҳнат лаёқати пасайди. Марказ борган сари пахта

буюртмасини ошириб борди, лекин аҳолига тўланадиган ҳақ камлигича қолаверди. Қишлоқ оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик даромад Россияда 98,1 сўмни ташкил этган бир пайтда, Ўзбекистонда ўз таморқасидан тушадиган даромад билан биргаликда ҳисобланганда 58,9 сўмга тенг бўлган. Натижада Ўзбекистон халқининг турмуш даражаси пасайиб, СССР минтақасида охириги ўринларга тушиб қолди. Бундайин ижтимоий ларзаларда халқимизнинг ўта қийинчилик билан ҳаёт кечирган шундай аламли шароитда шўролар халқининг ўзлигини, тилини йўқ қилиб рус бўлмаган миллатларни умуман миллат сифатида тобтаб ассимиляцияни амалга оширган. Бу жараён, хусусан КПСС XXII сиздининг “ Коммунизм қуриш” дастури қабул қилинган, бевосита кун тартибига қўйилди. СССРда “сотсиализм тўла ва узил кесил ғалаба” қилган, 28 бевосита СССР халқининг янги тарихий бирлиги совет халқи пайдо бўлди. Бу бирлик: “Ягона Ватан-СССР; “Ягона тил-рус тили”; “ягона мақсад коммунизм”; “Ягона мафкура- марксизм ленинизм” га асосланади, деган ғоялардан келиб чиқиб, “Ягона халқ-совет халқи”; “Ягона паспорт-Совет паспорти” қоидасини илгари суришгача бориб етдилар. “Байналминал тарбия” байроғи остида, системали суръатда, 70-йидан ортиқ вақт мобайнида хаспўшлаб олиб борилди. Демак бу ғояларнинг асл мақсади миллатнинг ўзлигини йўқ қилиш халқни совет халқига айлантириш эди. Барча давлат идораларида ҳужжат рус тилида олиб борилиши одат тусига кирди. Ўзбек тили ўз юртда иккинчи даражали тилга айланди. Мисол учун 1970-йилда китоб, газета ва журналлар 1-миллион нусхада чоп этилган бўлса, шундан 600 минг (60%) нусхада рус тилида у фақат 300-400минг (30-40%) ўзбек тилида эди холос. Ҳолбуки, ўзбеклар Ўзбекистонда 73 фоиздан ортиқни ташкил этган. Бу мустақиллик эълон қилиниши арафасида Республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида ўрганиш жараёнида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида соф шовинистик мустамлакачилик сиёсати олиб борилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Халқимизнинг жуда бой тарихи унинг маданияти, ўзига хос ноёб хусусиятларни билмаган ва билишни ҳам хохламаган келгиндилар маҳаллий халқнинг урф-одатлари, анъаналарини оёқ ости қилдилар. Халқимизнинг бой маданияти ва маънавий қадриятлари камситилди. Миллий либос кийиш қоқоқлик деб баҳоланди. Миллий анъаналар бўйича тўй қилган, қариндош уруғларини миллий ва диний қадриятлар асосида дафн қилганлар танқид остига олинди, шавқатсиз жазоланди. Бу қадар хўрлашлар халқимизнинг сабр косасини тўлдириб борди. Сиёсий ва мафкуравий зуғумларга қарамасдан ижтимоий онг ўзгара бошлади. Ўтмиш ва ҳозирги замон муаммолари тўғрисида мунозаралар, турли қарашлар, нуқтаи назарлар билдириладиган бўлди. Жамоатчилик пахта яккаҳоқимлигини тугатиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, экологик ҳолатни соғломлаштириш каби масалаларни кўтара бошладилар. 29 Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида китобини ўрганиш бўйича ўқув –услубий қўлланмада ижтимоий-сиёсий жараён мустабид тузумдан қолган оғир мерос ҳақида айтиб ўтилган. — Мустабид тузумнинг репрессив сиёсати оқибатлари — Ертанги кунга ишончсизликнинг ортиши — Озгина учкун чиқса, ловуллаб ёниб кетиш мумкин бўлган вазият — Ҳуқмрон репрессив сиёсат — Мустабид мафкура кучининг сақланиши — Кенг тарқалган қўрқув ва ваҳима — Халқ кайфиятдаги тушкунлик. — Мустабид тузумдан қолган оғир мерос — Соғлиқни сақлаш ишларда

ўта аянчли аҳвол — Оддий ичимлик суви билан таминланмаганлиги — 9 миллион кишининг даромади энг зарур даражадан ҳам пастлиги — 60 фоиз ижтмоий инфратузилманинг нобоплиги — Бир миллионга яқин ишсиз мавжудлиги — “Пахта иши”-тухмат, тазйиқ, тақиб ноҳақ қамалишлар. Халқмизни ўз гирдобига олаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш ўз ўрнини ўтаб бўлган муштабит тузумдан воз кечиш, ривожланган давлатлар тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш, миллатмизнинг асрий кадриятларни урф-одат ва бой анъаналарни янада муштақамлаш зарурий жараён эди. “Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар. 1983 йилдан бошлаб собиқ КПСС Марказий қўмитаси раҳбарлигида Ўзбекистонда навбатдаги ошқора қатағонга йўл очилди. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”, “Шарқий фронт” деб аталган машъум сиёсат ниқоби остида минглаб бегуноҳ кишилар жиноий жавобгарликка тортилди. Москва юборган 30 генераллар, прокурорлар, терговчилар истаган одамларни ҳибсга олишарди. Маъшум номлар билан аталган компаниявозлик даврида йўл қўйилган хатолар, порахўрлик қўшиб ёзиш, мансабни суистеъмол қилиш каби иллатлар очиб ташланди. Бироқ бу нуқсонлар собиқ Иттифоққа, мавжуд чириган тузумга қолаверса Марказга ҳам тегишли эди. XX асрнинг сўнгги чорагига келганда ўзида бутун бошли халқлар ва миллатларни бирлаштирган собиқ Иттифоқ ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар юзага кела бошлади. Иттифоққа кирувчи давлатлар фуқоролари онгида муштақилликабўлган интилиш ва ҳаракат пайдо бўлиб, ўсиб борди. Бу ҳолат айниқса Болтиқбўйи давлатларида яққол намоён бўлди. Табиийки Иттифоқ ҳукумати бундай интилиш ва ҳаракатларга тоқат қила олмас эди ва бор имкониятини ишга солиб, зўравонлик билан бўлса ҳам бу ҳаракатларни тўхтатишга киришди. Иттифоқ раҳбарлари фикрича, бу ҳаракатларни тўхтатиш учун бутун бошли халқни ўз домига тортувчи сиёсат ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этиш мўлжалланганди. Айнан мана шу сиёсат натижасида “пахта иши”, “ўзбек иши” деган уйдирмалар пайдо бўлди ва ўзбек халқига нисбатан бу сиёсат амалга оширилди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега айнан “ўзбек иши”, “латиш иши” эмас, “грузин иши” ёки “арман иши” эмас? Тарихчи тадқиқотчилар фикрларига кўра, бу пайтда Болтиқбўйи давлатларида ҳукуқий онг анчагина ўсганлиги, шунингдек бу ҳудуддаги давлатлар Иттифоқ ҳудудига нисбатан кечроқ кирганликлари ва Европа давлатлари андозасидаликлари сабабли, бу ҳудудга нисбатан бундай сиёсат юргизишдан тийилдилар. Кавказ ҳудудларида эса бу сиёсат натижасида қуролли кўзғалон келиб чиқиши мумкин эди. Айнан шуларни инобатга олган ҳолда Иттифоқ ҳукумати Ўрта Осиё ҳудудини танладикки, бу ҳудудда яшовчи халқлардан нисбатан кўпроғи, яъни ўзбек халқи бу сиёсатни юритишга улар учун ҳар томонлама маъқул келарди. Шу сиёсат билан улар бутун Иттифоқ давлатларидаги норозиликларни тўхтатмоқчи бўлдилар. Ўзбекистон ССР мамлакатнинг асосан хомашё етиштириб берадиган минтақаси ҳисоблангани сабабли республика қишлоқ хўжалиги ривожини бошқа иттифоқдош 31 республикаларга нисбатан анча оғир, зиддиятли жараёнлар таъсирида қолди. Ўта марказлаштирилган бошқарув, “умумхалқ манфаатларини” рўқач қилиб олиб борилган сиёсат Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигини, шу соҳада банд бўлган аҳолининг ижтимоий, иқтисодий аҳолини ҳам ниҳоятда оғирлаштириб юборди. Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг “Пахта” хомашё комплекси

атрофида ривожлантириши XX асрнинг 80 йилларда ўз салбий таъсирини кўрсата бошлаган эди. Йиллар давомида партиянинг пахта ҳосилдорлигини ошириш учун кетма – кет бериб келган беш йиллик режалари ерларнинг чала ўзлаштириб, белгиланган вақтда “топширишга”, ернинг мелиоратив ҳолатини бузилишига, кетма – кет бир хил экинлар екиб, катта миқдордаги сарф – ҳаражат қилинишига сабаб бўла бошлади. Бироқ, бу сарф – ҳаражатлар ўзини оқламас, марказ эса беш йиллик пахта планини бажаришни қатий туриб талаб қилар эди. Натижада олинадиган реал даромад тўлиқ бўлмас, буйруқбозлик, каттиқ назорат, тазйиқ ўтказиш кучайиб борар, камомад, ўғрилиқ, ички назорат ва ҳисоб - китобнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ортиб борар эди. Бу ҳолатлар бутун мамлакатда қўшиб ёзиш деган иллатларни кучайтириб юборди. Х.Юнусованинг илмий тадқиқот ишида таъкидланишича, СССР ФА олимлари ўтказган ҳисоб - китобларга кўра, қўшиб ёзишлар бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3 фоизига тенг бўлган. Хомашё етказиш соҳаларида эса, қўшиб ёзишлар 5 фоиздан 25 фоизгача бўлган. Мамлакат иқтисодиётидаги ҳолатлар бошқа иттифокдош республикаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, 1977 йилда Белоруссия ССРда қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги учун 1075 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятидаги қурилиш ташкилотларида 1983 - 1984 йилларда 700 минг рубллик қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги аниқланган. Озарбайжон ССРда эса 1983 йилнинг ўзида 667 саноат корхонаси ва қурилиш ташкилотларида қўшиб ёзишга йўл қўйилган. Молдавияда эса қўшиб ёзишлар ниҳоятда авж олган бўлса-да, кишилар тобора кўпроқ мансаб курсиларини эгаллаб борганлар. Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта хом ашёси билан таъминловчи минтақаси 32 бўлганлиги сабабли қўшиб ёзишлар иллоти “ривожланган” жой Ўзбекистон деб қаралди ва қўшиб ёзишларга қарши мамлакат миқёсида катта ҳаракатлар бошланиб, Ўзбекистон биринчи нишонга олинган республикалардан бўлиб қолди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, дарҳақиқат халқ хўжалигидаги қўшиб ёзишлар Ўзбекистонда мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда колхоз ва совхозларнинг мансабдор шахслари томонидан қўшиб ёзишлар пахта тозалаш корхоналарининг тайёрлов ташкилотларига тайёрланмаган ва топширилмаган пахтани топширилди деб товарсиз фактураларни тузиш йўли билан амалга оширилган. Бундай қўшиб ёзишларга колхоз ва совхознинг бригадасида, бўлимида тузилган, ички хўжалиқ ҳисобга олиш маълумотлари, сўнгра завод пахта пунктининг товарсиз ёзилган, бир томондан – колхоз ва совхоз томонидан, иккинчи томондан – пахта тозалаш саноати корхонаси томонидан режанинг бажарилганлиги тўғрисидаги давлат ҳисоботи кўрсатилган маълумотларни баланслаштирган товарсиз квитансиялар асос қилиб олинганди. Завод директори ва бухгалтери ушбу маълумотлардан режани бажаришгани тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ошириш учун фойдаланишган ва уларни республика пахта тозалаш саноати вазирлигига ҳамда статистика бошқармасига топширганлар. Ўзбекистон жанубидаги Қашқадарё вилояти саноатининг асосий йўналишлари ҳам пахтачиликка ихтисослашган бўлиб, пахтани қайта ишлаш Қашқадарёда 51 фоизга тенг бўлган. “Пахта иши”, “қўшиб ёзишлар” масаласи ҳам аслида 1983 йилда бошланган. Ўз Компартия МҚсининг XVI Пленуми ва унда Иномжон Усмонхўжаевнинг Марказдан Ўзбекистонга кадрлар билан “ёрдам бериш”ни сўраб қилган мурожатидан сўнг бу иш

авж олди. Ўзбекистонга юзлаб, минглаб кадрлар юборилди. Булар – Анишчев, Огарок, Клепиков, Сатин, Нестеренко, Бутурлин, О.Гайданов, Э.Дидаренко, Любимов, Калининченко, Королёв, Майданюк, Маврин, Литвиненко, Иванов, Галкин, Карташян ва бошқалардир. “Пахта иши” бўйича жуда кўп гуруҳлар ташкил қилинди. Маҳаллий халқнинг “характер ва психологияси”ни яхши билган жаллодлар бу гуруҳларга туб ерлик прокурор ва терговчиларни бош қилиб, уларга “яхши консултатсия”лар 33 бердилар ва шу тариқа сопини ўзидан чиқардилар. Юқори савияда “маслаҳат” олган гуруҳ аъзолари амалий ишга тушиб кетдилар. Улар 70-80-йилларда мамлакатда кенг тус олган кўшиб ёзишлар бўйича жиноятчиларни аниқлаб беришлари керак эди. Ҳақиқатан ҳам шу йилларда пахта, чорва ва бошқа соҳалар бўйича кўшиб ёзишлар давлат режаларини сунъий равишда бажариш усули бўлибгина қолмай, миллионлаб сўм давлат маблағларини суистеъмол қилиш ва талон-тарож этишнинг синалган усули эди. Порахўрлик авжига минганди. Бундай кўшиб ёзишлар, порахўрликларнинг асосий илҳомчиси ва ташкилотчиси Москванинг ўзи бўлиб, республика, вилоят, туман раҳбарлари, давлат хўжалиги директорлари, жамоа хўжалиги раислари, пахта тайёрлаш корхоналари ва пахта тозалаш заводлари раҳбарлари бу иш билан боғлиқ эдилар. Ўзбекистон жанубида шу жумладан, Қарши чўли, Сурхон – Шеробод чўлларини ўзлаштириб, Республиканинг жанубида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан XX асрнинг 80 - йилларига келиб, ўртача 1 миллион тонна пахта етиштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Гектаридан олинishi лозим бўлган ҳосилдорлик йилдан - йилга ортиб бориб, уни бажаришнинг иложи бўлмагандан кейин, кўшиб ёзиш деган бир иллат пайдо бўлди. Марказ ўйлаб топган “пахта иши”, “ўзбеклар иши” сиёсатининг асорати XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Қашқадарёда яққол кўзга ташланди. Биргина 1981-83 йилларда Қашқадарёда ҳалол меҳнат қилиб обрў топган машҳур колхоз раислари, совхоз директорларидан, вилоят раҳбарлари 36 киши ишдан бўшатилиб, маъмурий йўл билан жазоланди. Улар орасида шахрисабзлик машҳур раислар А.Туропов, Қурбонов, совхоз директори Н.Шаропов, Касби раён халқ контроли қўмитасининг раиси Зиёд Арабов, Ўзбекистон КП Баҳористон туман қўмитасининг иккинчи котиби Р.Суяров, Қарши туман пахта тозалаш заводи директори Тоҳировлар бор эди. Мамлакатда юзага келган ижтимоий-сиёсий соҳадаги инқирозий ҳолатлар, аввало, совет ҳукуматининг маъмурий-буйруқбозлик сиёсати натижаси эканлигини тергов гуруҳи мутлақ англаб етмас эди. Шаҳрисабз туман партия қўмитасининг биринчи котиби Х.Холиқов С.Жўраев билан биргаликда 34 4.651.000 минг сўм пулни пахтага кўшиб ёзиш ҳисобига пора сифатида олганликларида айбланганлар. Аслида, бу миқдордаги пулнинг 3.100.000 сўми Серпухово, Кутаиси, Боку, Орехово-Зуево ва бошқа шаҳарлардаги тўқимачилик корхоналарига қабул қилинмаган хомашё учун пора сифатида берилган эди. Шаҳрисабздаги энгелс номли колхоз раиси Сувоновнинг сўроқ вақтида берган кўрсатмаларида бундай дейилади; “Бизнинг колхозимиз 1983-йил ноябр ойлари бошида пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ўша вақтдаги обкомнинг иккинчи котиби Головачев туманимизда вакил эди. У менга пахтани кўшиб ёзишни таклиф этди. Мен унга колхоз йиллик режани бажарганини, далада эса пахта қолмаганини айтдим. Шундан кейин 8-9 кун давомида Головачевнинг кўзига кўринмай юрдим. У барибир мени топиб уятли сўзлар билан ҳақорат қилди. Икки

марта урди. Мен пахтага кўшиб ёзишга мажбур бўлдим, пахта заводи классификаторига 180.000 минг сўм пул бердимъ. Кўриниб турибдики буларнинг барчаси маҳаллий аҳоли хоҳишларига мутлақо зид равишда, қо ьпол суратда марказ топшириғи билан амалга оширилган. Хулоса қилиб айтганда, ХХ аср 80 йиллари бошларида Иттифоқ миқёсида бошланган ижтимоий – сиёсий муаммолар, унинг чекка ҳудудлари Ўзбекистон вилоятларини ҳам четлаб ўтмади. Марказнинг бу муаммоларни маҳаллий бошқарув идораларининг масъулиятсизлиги ва бошқа сунъий айбловлар эвазига ҳаспўшлаш йўлидан бориши ҳамда турл воситалар ёрдамида республикада жинойи ишларни бошлаб юбориши оқибатида маҳаллий аҳоли ва кадрлар қийноқларга дучор бўлди, уларнинг ҳақ-хуқуқи поймол этилди. Марказий матбуотнинг баъзи бир муаллифлари Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг юзига қора чаплашга ҳаракат қила бошладилар. Бу ҳудудларда яшаган миллатлар ўз вақтида мавжуд жинойи гуруҳлар фаолиятига қарши курашганлар, улар сотсиалистик қонунчилиқни бузилаётгани ҳақида Москвага арз қилишган, бироқ уларнинг ўзлари, яъни "сувни лойқалатувчилар" қувғинга учраганлар. 1983 йилнинг охирида республикада жуда оғир вазият вужудга келган эди. Биринчидан, 35 жиноятчиликка қарши курашиш ниқоби остида собиқ рнарказдан кетма-кет турли тергов гуруҳлари ташланди. Республикадаги раҳбарлик лавозимларига собиқ Иттифоқнинг бар хил жойларидан кадрлар кела бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиблигига Анишчев, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Огарок, Олий Кенгаш Президиуми райисининг ўринбосари этиб Романовскийлар тайинланди, Тошкент шаҳрининг тақдири Сатинга топширилди. Республика прокурори этиб Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайданов, тергов бошлиқлигига Лаптев, Ички ишлар вазирлигига Дидоренко тайинланди. Барча вилоятларда ҳам аҳвол шундай бўлиб, улар республикадаги ҳукмронлиқни тўла қўлга олган эдилар. "Пахта иши" ва "Ўзбеклар иши" деб юзсизларча номланган терговлар бошланиб кетди. Гдлян гуруҳи Ўзбекистонликларга нисбатан қонунсиз, бешафқат ишларни бошлаб юборди. Уларнинг зўравонлиги оқибатида судлар адолатсиз ҳукмлар чиқара бошлади. 1989 йилгача бу ишлар бўйича 4,5 мингдан кўпроқ киши судланди. Ўша пайтда республикадаги қамоқхоналарда жой қолмагани учун судланганларнинг мингдан ортиғи жазони ўташ учун Сибир қамоқхоналарига жўнатилди. Гдлян гуруҳи Ўзбекистон ҳудудида чекланмаган ваколатларга эга бўлди. Айбсиз одамларни, уларнинг оила аъзоларини қараоққа олиб, жисмоний ва рухий қийноққа солиш авж олди. Ҳибсга олинганлар тергов усулларига дош беролмай ўз жонларига қасд қилишгача бориб етдилар. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари беҳад топталаётганлиги ҳақида Москвага минглаб хатлар жўнатилди. Афсуски, бу хатлар текширилмасдан, ҳатто жавоб ёзишга эп кўрилмади. Аксинча Гдлян ва унинг гумашталарига кетма-кет унвонлар берилди. 1989-йил 23-июн куни республика раҳбарлигига Ислон Каримов сайланди. Янги раҳбарнинг фаолияти Ўзбекистон фуқароларининг 36 ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, топталган ҳуқуқларини тиклаш каби олийжаноб ва хайрли ишдан бошланди. "Пахта ишлари"ни кўриб чиқиш учун маҳсус комиссия тузилди Комиссия иш фаолиятига 40 минг томдан иборат ишни кўриб чиқиш топширилди. 1990-йилнинг июн ойига келиб, комиссия энг муҳим бир хулосага келди. 1990-йил 13-июн куни Москва шаҳрига СССР Бош прокурори, СССР

Олий судининг райиси ва СССР Адлия вазири номига ёзилган хатда комиссия хулосалари батафсил кўрсатилди. Бу хатда "Пахта ишлари" чуқур таҳлил қилиниб, судланганларни оқлаш масаласи қўйилган эди. Бироқ юқоридаги ташкилотлар кўмак ўрнига тайзикни кучайтирдилар. Республика раҳбарининг қатиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Комиссия икки йилдан кўпроқ вақт орасида 40 минг томлик ишни кўриб чиқди. 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, бир қисми Президентимиз томонидан авф этилди. Пахта комиссияси фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, пахта ишлари бўйича судланганларнинг кўпчилиги ҳаётлигида оқланди, юзлари ёруғ бўлди, топталган ҳуқуқлари тикланди, ўз иш жойларига қайтишди, мусодара қилинган мулки қайтарилиб, бошқа етказилган моддий зарарлар қопланди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, хусусан, республика раҳбариятининг қатиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Минглаб бегуноҳ фуқороларнинг номлари оқланди. КПСС МК Апрель (1985 й) пленуми совет жамиятини "қайта куриш", бу жамият ҳаётининг барча соҳаларини "чуқур ислоҳ қилиш" йўлини эълон қилди. Бунда аввало ижтимоий ҳаётни дераократлаштириш, ошкоралик, иқтисодий ўсишни фан техника ютуқларига таяниб жадаллаштиришга қарор қилинди. Бироқ узок йиллар тоталитар режимга мослашган давлат монополияси, идоралари бюрократик аппарат кўзда тутилган режаларни амалга оширишга йўл қўймади. 37 80-йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатдаги иқтисодий тараққиётни чуқур таҳлил қилмасдан 90-йилларнинг охирига бориб, собиқ СССР да миллий даромадни 2-2.5 баробар ўстириш, аниқроғи аввало 70 йил ичида амалга оширилган ишларни кейинги 15 йил ичида бажариш вазифалари қўйилдики, булар мутлақо ҳақиқатдан узок эди. Бу ҳол табиий равишда 70-80 йиллар бошларида жамият олдидаги муҳим халқ хўжалиги вазифаларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан эмас, балки қўшиб ёзиш, пора бериш, ошна-оғайнигарчилик билан осонгина ҳал қилишга олиб келди. Давлат режалаштириш тизими мураккаб ижтимоий ва хўжалик вазифаларини маъмурий-буйруқбозлик йўли билан ҳал қилишга қодир бўлмай қолди. Натижада иқтисодий ўсиш ҳар йилига камайиб борди. Республика халқ хўжалигида умумий ижтимоий меҳнат унумдорлигини пасайиши ҳисобга мўлжалдагидан 4,3 фоиз ёки 850,4 миллион сўмга кам миллий даромад олинди. 1989 йилда Ўзбекистондаги ҳар бир кишига собиқ иттифокдаги ўртача даражадан бир ярим баравардан кам капитал маблағ тўғри келди Шу даврга келиб республика қишлоқ хўжалигида кўплаб муаммолар тўпланиб қолди. Совет тузумининг навбатдаги ислоҳоти ҳам йўл қўйилган хатолар туфайли барбод бўлди.

2-мавзу. Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлининг ижтимоий тартибга боғлиқлиги.

Ўзбекистон тоталитар тузумдан, маъмурий буйруқбозлик ва режали тақсимлаш тизимидан воз кечиб, замон талабларидан келиб чиқиб тараққиётнинг ўзига хос йўлидан ривожланиб бормоқда. Тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб ном олган ушбу йўл беш тамойилдан иборат бўлиб, унинг муҳим тамойилларидан бири иқтисодиётнинг мафкурадан холи ва сиёсатдан устуворлиги тамойилидир. Ўтган тарихан қисқа даврда Ўзбекистоннинг эришган ютуқлари ва жаҳон ҳамжамиятида

муносиб ўринга эга бўлиши танланган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз тараққиётини кўрсатувчи энг муҳим мезон – бу одамлар кайфиятининг ижобий томонга ўзгариб боришидир, чунки жамият тараққиёти одамлар ҳаётини фаровон қилишга қаратилган. Одамлар бахтли яшайдиган фаровон жамиятнинг муҳим белгиси – бу одамлар кайфиятининг яхши бўлиб боришидир. Буни кўрсатувчи мезон – оммавий ахборот воситалари орқали одамлар кайфиятини кўтаришга қаратилган кўнгилочар кўрсатувларнинг кўпайиб боришидир. Охирги вақтларда телевидениеда яхши кайфият берадиган кулгига ва хурсандчиликка чорловчи кўрсатувлар кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, ҳаётнинг ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди, чунки “қорни оч одамнинг қулоғига гап ёқмайди” деганларидек кайфияти ёмон одамда кулгига ва хурсандчиликка эҳтиёж бўлмайди. Шунинг учун кулгига ва яхши кайфиятга чорловчи кўрсатувларнинг кўпайиб бориши ҳаётнинг ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини кўрсатувчи муҳим индикатор ва мезон деб айтиш мумкин.

Инсон зоти табиатан эркин мавжудот бўлганлиги учун инсоният жамияти ҳам мустақил, эркин ва озод бўлиши лозим. Лекин ҳаёт шундай шаклланганки, унда одамлар ўз эркинликларидан маҳрум бўлиб қолиш ҳолатлари учраб туради. Одамлар эркинликларининг поймол қилиниши ва мамлакатларнинг мустамлакага айланиб қолиши кўпинча урушлар оқибатида юз беради. Локал ва глобал урушлар натижасида мағлуб бўлган у ёки бу мамлакат кучлироқ давлат таъсирига тушиб, ўз мустақиллигини қўлдан бериб қўяди. Урушларда мағлубиятни келтириб чиқарадиган асосий сабаб – бу сиёсий парокандаликдир, сиёсий парокандаликнинг сабаби эса адолатсизликдир. Чунки адолатсизлик, албатта, норозилик кайфиятини келтириб чиқаради. Қайси мамлакатда адолатсизлик, сиёсий парокандалик ва норозилик кайфияти кучли бўлса, ўша мамлакат, эртами-кечми, ўз мустақиллигини қўлдан бой беради. Шунинг учун мустақилликдан ҳам муҳимроқ нарса борми деганда, ҳа, мустақилликдан муҳимроқ нарса бор, бу адолатдир деб айтиш мумкин. Чунки инсон зоти шундай мавжудотки, у ҳар қандай қийинчиликка бардош беради, лекин адолатсизликка тоқат қила олмайди. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш вазифаси барча вақтларда энг мураккаб муаммо бўлиб келган.

Тарихга назар солсак, инсоният жамияти сон-саноксиз урушларни бошидан кечирганлигини кўриш мумкин. Тарихчилар орасида “инсоният тарихи – урушлар тарихи” деган афоризмнинг мавжудлиги бежиз эмас. Олимларнинг маълумотларига кўра, бутун инсоният тарихи давомида 14,5 минга яқин урушлар бўлиб ўтган, уларда 3,6 млрд.дан ортиқ аҳоли ҳалок бўлган ва кўплаб мамлакатлар ўз мустақилликларини қўлдан бой бериб қўйган. Демак, мустақиллик абадий факт эмас экан, яъни мустақилликни қўлдан бой бериш эҳтимоли мавжуд экан. Буни англаган одам мустақилликнинг аҳамиятини чуқурроқ англаб олади ва мустақилликни мустаҳкамлашга бефарқ бўлмай, дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Мустақилликка нисбатан бефарқ бўлмаслик учун инсон нимага нисбатан бефарқ бўлса, ўша нарсани йўқотиши мумкинлигини билиши лозим. Агар инсон ўз ҳуқуқларига бефарқ бўлса, ҳуқуқи паймол бўлади, агар инсон ўз саломатлигига бефарқ бўлса, саломатлигига путур етади ва, худди шундай, инсон мустақиллигига бефарқ бўлса, мустақиллигини қўлдан бериб қўйиши мумкин.

Мустақилликка эришиш қанчалик қийин бўлмасин, уни асраб қолиш ва мустақамлаш янада маракаброқдир. Мустақиллик инсон учун шуниси билан муҳимки, у инсонга бахтли бўлишнинг муҳим шarti бўлган эркинликни таъминлашга шароит яратади. Инсон бахтли бўлиши учун у нафақат моддий ва маънавий жиҳатдан эҳтиёжлари қондирилган бўлиши, балки унда кўрқувсиз, эркин яшаш ҳисси ҳам бўлиши лозим. Инсон эркин бўлиши учун у олдин мустақил бўлиши керак. Лекин мустақилликка эришган билан бирданига эркинликка эриша олмайди, балки мустақиллик инсонга эркин бўлишга шароит яратади. Ана шу шароитдан тўғри фойдалана олган миллат ўз мустақиллигини асраб қола олади ва мустақамлайди. Агар миллий мустақилликка эришилса-ю, лекин халқнинг эркинлиги таъминланмаса, бундай мамлакат, эртами-кечми, ўз мустақиллигини қўлдан бой бериб қўяди.

Тарихга назар солсак, мамлакатлар ўз мустақилликларини қўлдан бериб қўйганликларига кўплаб мисоллар топиш мумкин. Масалан, мамлакатимиз халқлари XIII асрда мўғуллар зулми остига тушиб, ўз мустақилликларини йўқотиб қўйишган. Худди шундай XIX асрда юртимиз Россия колониясига айланиб, ўз мустақиллигини қўлдан бой бериб қўйган. Ҳар икки ҳолатда ҳам мустақилликнинг қўлдан кетишига мамлакатдаги сиёсий парокандалик сабаб бўлган. Ҳар икки ҳолатда ҳам яна мустақилликни қайта қўлга киритиш учун қарийиб икки аср вақт керак бўлган. Биринчи ҳолатда, яъни мўғуллар зулмидан озод бўлиб, мустақилликка эришимиз учун қарийиб икки аср керак бўлди ва халқимизни мустақилликка олиб чиқиш улуғ бобомиз Амир Темурга насиб бўлди. Иккинчи ҳолатда, яна мустақиллика эришимиз учун қарийиб бир ярим аср керак бўлди ва бу сафар халқимизни мустақиллика олиб чиқиш Биринчи Президентимиз Ислон Каримовга насиб этди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мустақилликка эришиш учун курашлар ва минглаб қурбонлар бўлди. Бундай ҳолат такрорланмаслиги учун мустақиллик абадий факт эмаслигини, яъни мустақиллик қўлдан кетиш эҳтимоли борлигини унутмаслик ва мустақилликни асраб авайлашимиз, мустақамлашимиз лозим.

Мустақиллик қўлдан кетмаслиги учун одамлар мустақилликдан кутган орзу-умидлар рўёбини ва, энг аввало, эркин яшаш имкониятини таъминлаб бериш лозим. Инсон кўрқмасдан, эркин яшаши учун жамиятда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Қаерда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилса, ўша ерда одамлар эркин ва бахтиёр бўлиб яшайди. Демак, инсон бахтли бўлиши учун эркин бўлиши керак, эркин бўлиши учун эса адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Мустақиллик ана шундай адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга шароит яратади. Лекин муаммо шундаки, ижтимоий тартибни ўрнатиш қадимдан донишмандларни ва давлат раҳбарларини ўйлантириб келган энг мураккаб муаммо бўлиб келган. Ҳозир ҳам энг долзарб ва мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, мустақиллик ўз ўзидан адолатли ижтимоий тартибни ўрнатмайди, балки унга шароит яратади, холос.

Ижтимоий тартибни ўрнатиш учун назорат бўлиши кераклиги англаб олинган бўлишига қарамасдан, ана шу назорат тизимининг самарали ишлаб туришини таъминлайдиган механизмни шакллантириш қийин кечмоқда. Жамиятда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилиши учун назорат тизимининг самарали ишлаб туришини таъминлайдиган давлат ва жамият назоратидан иборат бўлган механизм шаклланган

бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, фақат юқоридан бўлган давлат назорати ижтимоий тартибни ўрнатиш учун етарли эмас, бунинг учун жамият назорати ҳам керак. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили назорат тизимида давлат ва жамиятнинг уйғунликдаги назоратини англатади.

Жамиятнинг назорат тизимида иштирок этиши, энг аввало, унинг кучли бўлишига боғлиқ. Кучли фуқаролик жамияти кучли фуқаролик жамияти институтларидан ташкил топади. Кучли фуқаролик жамияти институтлари эса кучли фуқаролардан ташкил топади. Кучли фуқаролар эса билим ва маънавияти юксак шахслардан ташкил топади. Фуқаролик жамиятининг асосий функцияси назорат эканлигини инобатга олсак, фуқароларнинг назоратга доир билимларини ошириш энг устувор вазифалардан бўлиши лозим. Ҳар қандай билим таълим тизимида шаклланиши каби назоратга доир билим ҳам, энг аввало, таълим тизимида шаклланади. Шунинг учун таълим тизимида назоратга доир билимни кенгроқ бериш замон талаби ҳисобланади. Инсон қаерда ўқишидан қатъи назар унга назоратга доир билим керак бўлади, чунки у ким бўлиб ва қаерда ишлашидан қатъи назар назорат тизимида иштирок этиши керак. Назоратга доир билимга эга бўлган ва унинг негизида сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалган фуқароларгина ўз назорат функцияларини амалга оширишга қодир бўлишади. Бунинг учун олий таълим тизимида назоратга доир билимни берадиган фанларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим тизимида ташкил этиладиган назоратга доир билимни берадиган фанлар ёшларимизни назоратга доир билим билан қуроллантириб, орадан маълум давр ўтгач, ўз назорат функциясини амалга оширишга ва назорат механизмининг самарали ишлаб туришини таъминлашга қодир бўлган авлодни шакллантиради. Бундай назоратга доир билимни ёшларга бериш учун ўқитувчиларнинг ўзида ҳам назоратга доир билим кучли бўлиши лозим. Бундан ташқари, назорат механизмининг шаклланиш жараёнини тезлаштириш учун нафақат ёшларга, балки аҳолининг бошқа қатламлари ва, энг аввало, ўқувчиларга билим берадиган ўқитувчиларнинг ўзига назоратга доир кенг билим бериш керак. Назоратга доир билимни жамиятда кенг тарғиб қилиш адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилади.

Кучли фуқаролик жамиятининг шаклланиши кучли назорат тизимининг шаклланишини англатади ва адолатли ижтимоий тартибни таъминлайди. Адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши мустақилликни мустаҳкамлашнинг ва жамият тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Аҳоли ўртасида назоратга доир билимни тарғиб қилишга бефарқ бўлиш миллий хавфсизлигимизга бўлган ички таҳдидга беэътибор бўлиш билан тенгдир. Бундай таҳдиддан химояланиш учун фақат юқоридан амалга ошириладиган давлат назорати етарли эмас, бунинг учун қуйидан амалга ошириладиган жамият назорати ҳам кучли бўлиши керак.

Давлат назорати функцияларига нисбатан жамоатчилик назоратининг афзал ва муҳим эканлиги ҳақида Республикамиз Биринчи Президенти Ислон Каримов: “Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузулмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз

жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузулмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ,» – деганида тамоман ҳақдир.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ижтимоий тартибнинг барқарорлигига боғлиқ бўлганлиги учун, мамлакатимизда, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар уйғунликда амалга оширилмоқда, чунки ижтимоий тартиб, энг аввало, сиёсий тизимнинг такомиллашганлигига боғлиқ. Яқин тарихимизга назар солсак, яъни 1985 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда сиёсий ислоҳотлар эътибордан четда қолганлиги учун иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмаган эди. Буни англаган давлат раҳбарияти 1988 йилда сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга ҳаракат қилади, лекин бунинг ҳам уддасидан чиқа олмайди. Оқибат ҳаммага маълум, яъни дунёнинг қудратли мамлакатларидан бири барҳам топди. Сиёсий ислоҳотлардан мақсад иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишнинг муҳим шарти бўлган ижтимоий тартибнинг барқарорлигини таъминлашдир.

Мамлакатда ижтимоий тартиб ўрнатилиши учун жамиятни интеллектуал элита бошқариши, ўрта синф кучли бўлиши ва жамиятнинг маънавий юксалиши муҳим омиллар эканлиги буюк донишмандлар томонидан асослаб берилган. Мустақил мамлакатимизда ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган ҳар учала омил ҳам шаклланиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январда йил якунларига бағишланган йиғилишида таъкидланишича, 2000 йилда ўрта синф аҳолининг 20%ни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 50%ни ташкил қилганлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, таълим соҳасидаги ютуқларимиз билим, яъни интеллектуал элитанинг ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Таълим соҳасидаги ютуқларимиз тўғрисида гапирганда, Франциянинг дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига қирадиган “Инссад” халқаро бизнес мактабини “Инновацияларнинг глобал инқирози” мавзусидаги маърузасида Ўзбекистон таълим тизимининг ривожланиши бўйича 141 мамлакат ичида иккинчи ўринда турганлигини эътироф этганлигини айтиш мумкин.

Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, ижтимоий тартибни ўрнатишда муҳим омил бўлган маънавиятни ривожлантириш билимни ривожлантириш даражасидан биров орқада қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, таълим-тарбия тизимида уйғунлик тўлиқ таъминланмасдан, тарбия таълимдан орқада қолмоқда. Бу глобал миқёсдаги муаммо бўлиб, уни ривожлантириш учун Биринчи Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асаридаги ғояларни одамлар онгига сингдириш чораларини кўриш лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларини, энг аввало, телевидениенинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, ахлоқий тарбияда маърифий Ислом динининг тарбиявий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки инсон маънавияти – бу, энг аввало, инсон руҳининг соғломлигидир, руҳ эса диний тушунча бўлиб, уни поклашда диний тарбия муҳим роль ўйнайди. Диний тарбия негизида маънавиятни юксалтириш ижтимоий тартибнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим омилни, яъни дахлдорлик ҳиссини шакллантиради.

Ижтимоий тартибни таъминлаш учун фақат интеллектуал элита ва ўрта синфнинг кучлилиги етарли эмас, бунинг учун маънавият ҳам юксак бўлиши лозим.

Ижтимоий тартибнинг барқарорлиги таъминланмаган жойда ва, айниқса, бозор муносабатлари шароитида тараққиётни таъминлаб бўлмайди. Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўлини танлади ва бу бозор муносабатлари шароитида пул фактори биринчи ўринга чиқади, яъни қаерда пул бўлса, ўша ер бойиб боради ва қаерда пул бўлмаса, ўша ер қашшоқлашиб боради. Шунинг учун асосий эътибор мамлакатимизга инвестицияни кенгроқ жорий қилишга қаратилиши лозим. Бунинг учун ижтимоий тартиб барқарорлиги таъминланган бўлиши лозим, чунки тарих шундан гувоҳлик бермоқдаки, қаерда ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлса, ўша ерга инвесторлар кўпроқ интилишади. Ижтимоий тартиб ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига риоя қилишнинг таъминланганлик ҳолатидир. Агар ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига риоя қилиш таъминланган бўлмаса, ҳеч ким, жумладан, инвесторлар ҳам ўзини адолатсизликдан ҳимояланган деб ҳис қилаолмайди. Ҳар қандай одам учун ҳам, инвестор учун ҳам, энг муҳими, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланганлигига ишончдир. Бундай ишонч шаклланиши учун ижтимоий тартибнинг барқарорлиги таъминланган бўлиши лозим.

Ижтимоий тартибнинг барқарорлиги, юқорида таъкидлаганимиздек, учта омилга, яъни жамиятда интеллектуал элитанинг кучайиб боришига, ўрта синфнинг кучайиб боришига ва, ниҳоят, учинчи омил, маънавиятнинг юксалиб боришига боғлиқ. Бу уч омилдан бири, яъни маънавий юксалиш замон талабларидан орқада қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири маънавий юксалишни белгилайдиган аниқ мезонларнинг ишлаб чиқилмаганлигидир. Шунинг учун бўлса керак, йил якунларига бағишланган (2013 йил 18 январдаги) маърузада маънавий юксалишни ифодаловчи мезонлар аниқ кўрсатилмаган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг вазифалари нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг ривожланишини таъминлайдиган раҳбарликни, балки маънавий юксалишни таъминлайдиган самарали раҳбарликни ҳам амалга оширишдан иборат. Ташқаридан унча аҳамиятга эга бўлмагандай кўринадиган ушбу омил, аслида, энг муҳим омил бўлиши мумкин. Шунинг учун маънавий юксалишни баҳолайдиган мезонларни ишлаб чиқиш ва уларга асосланиб, маънавий юксалишни баҳолаб бориш механизминини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар фан намояндалари маънавий юксалишни баҳолайдиган мезонларни аниқлаб беришлари лозим бўлади.

Маънавиятни юксалтириш учун, энг аввало, уни баҳолайдиган мезонларни ишлаб чиқиш керак экан, асосий эътибор ана шу мезонларни ишлаб чиқишга қаратилиши лозим. Хўш, маънавиятни қандай мезонлар орқали баҳолаш мумкин? Ушбу саволга жавоб бериш учун маънавиятнинг моҳиятини билиш лозим. Маънавиятнинг моҳияти – моддий ва маънавий бойликка бўлган муносабатда маънавий бойликни устун қўя оладиган қалбий ҳусусиятдир. Бошқача қилиб айтганда, маънавиятнинг моҳияти одамнинг моддий эҳтиёжлари жиловланганлик ҳолатидир. Ўз эҳтиёжларини жиловлаган одам ўз устидан ҳокимиятга эга бўлган бўлади ва бундай ҳокимият маънавият орқали шаклланади. Ўз устидан ҳокимиятга эга бўлган одам ўзини тийиб тура олади ва ўзгалар манфаатини ҳам ифодалашга қодир бўлади. Бу эса мамлакатда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар

мутаносиблигининг самарали тизими шаклланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Ҳозирча кўпчилик аҳоли Биринчи Президентимиз Ислom Каримовнинг мамлакатни модернизациялаш концепциясида келтирилган ўзарo тийиб туриш ва манфаатлар мутаносиблиги тамойилини чуқур англаб олгани йўқ. Ваҳоланки, ушбу тамойил ижтимоий тартибни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга, чунки тартиб бўлиши учун одамлар ўзарo муносабатда бир-бирларининг манфаатларини инобатга олишлари лозим. Бунинг учун эса улар ўзларини тийиб туришга қодир бўлишлари лозим. Демак, ижтимоий муносабатларда ўзарo тийиб туриш ва манфаатлар мутаносиблиги тамойили маънавиятнинг ривожланишини баҳолайдиган асосий мезонлардан бири бўлиши мумкин.

Маънавиятни баҳолайдиган мезонлардан яна бири – бу мамлакатда маънавий бойликка интилишнинг кучайиб бориш даражасидир. Бунинг учун, яъни одамлар маънавий бойликка интилиб яшашлари учун маънавият қадрланиши лозим. Инсон нима қадрланса, ўшанга интилиб яшайди, агар жамиятда моддий бойлик кўпроқ қадрланса, моддий бойликка интилиш кучаяди, агар маънавий бойлик қадрланса, маънавий бойликка интилиш кучаяди. Маънавият қадрланиши деганда, энг аввало, маънавият аҳлининг қадрланиши тушунилади. “Маънавият юксалиши учун одамлар ғояни севишлари керак” деб ёзган эди юнон файласуфи Платон. Лекин ғояни севиш учун ғоя қадрланиши лозим, яъни ғоя меҳнат маҳсули сифатида тан олинishi ва қадрланиши лозим. Оддий қилиб айтганда, ғояни моддийлаштириш, яъни товарга айлантириш имконияти бўлиши керак. Демак, маънавиятни баҳолашда интеллектуал мулк тушунчасининг шаклланиши ва унинг ривожланиш даражаси ҳам муҳим мезонлардан бири бўлиши мумкин.

Маънавиятни баҳолашда одамлардаги дахлдорлик ҳиссининг ривожланиши ҳам мезонлардан бири бўлиши керак. Чунки маънавияти юксак одамда ирода кучли бўлади, иродаси кучли одам эса ўзидаги бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳисси билан яшашга қодир бўлади. Бу мезон ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки бефарқлик кайфияти кучли бўлган жамиятда назорат тизими самарали ишламайди, демак, ижтимоий тартибнинг барқарорлиги ҳам таъминланмайди. Жамиятдаги бефарқлик ва дахлдорлик ҳиссининг ривожланиш даражасига қараб маънавитга баҳо бериш мумкин. Бефарқлик кучли бўлган жамиятда маънавият паст бўлса, дахлдорлик ҳисси юқори бўлган жамиятда маънавият юксак бўлади. Дахлдорлик ҳиссининг даражасини аниқлашда фуқаролик позициясининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиш мумкин. Фуқаролик позицияси фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Шу ўринда фуқаролик жамиятининг шаклланишида маънавий юксалиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Демак, маънавиятни баҳолашда жамиятдаги дахлдорлик ҳиссининг ривожланиш даражаси ҳам муҳим мезонлардан бири бўлиши мумкин.

Одамнинг маънавиятига баҳо берганда унинг ҳаракатига қараб эмас, балки ҳаркатиининг остида ётган мотивига қараб баҳо берилади. Инсон ҳаракатиининг мотиви рационал ва иррационал ёки соғлом ва носоғлом бўлиши мумкин. Жамиятда соғлом мотивли одамларнинг кўпайиб бориши маънавиятнинг юксалиб боришини кўрсатиб борувчи муҳим мезондир. Соғлом мотивли одамларнинг кўпайиши ижтимоий соғломликни таъминлайди ва бу ижтимоий соғломлик даражаси маънавиятни

баҳолаш мезони бўлиши мумкин. Ижтимоий соғломлик даражасини аниқлаш учун олдин у нима эканлигини билиш керак. Ижтимоий соғломлик деганда, азалдан мавжуд бўлган адолат билан разолат ўртасидаги курашда адолат ғалаба қозонган муҳит тушунилади. Жамиятда адолат ғалаба қозониши учун соғлом мотивли одамлар кўпайиши лозим. Бу борадаги муаммо шундаки, ҳеч ким ўзини носоғлом мотивдаман деб ҳисобламайди ёки ҳеч ким ўзини разолат томонидаман деб ҳисобламайди.

Мотивнинг соғлом ёки носоғлом эканлигини аниқлаш учун иккита саволга бериладиган жавобдан келиб чиқиш лозим бўлади. Биринчиси, мен учун нима муҳим, моддий бойликми ёки маънавий бойлик? Иккинчиси, мен жамиятда бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқманми ёки дахлдор ҳисси билан яшайманми? Агар инсон учун маънавий бойлик қадрлироқ бўлса ва у жамиятга нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшаётган бўлса, демак, бу унинг ҳаракати мотивининг соғломлиги аломатидир. Соғлом мотивли одамларни тарбиялашда нафақат таълим-тарбия тизимидан фойдаланиш, балки бу борада комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Бунда оммавий ахборот воситаларидан ва, энг аввало, унинг самарали таъсир воситаси бўлган телевидение имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Бу борада телевидениеда одамларнинг мотиви соғлом ёки носоғлом эканлигини аниқлайдиган “Мотив” номли кўрсатувни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Яна шуни таъкидлаш лозимки, марказий телевидениедаги “Маданият ва маърифат” номли телекўрсатувни “Маънавият ва маърифат” деб номлаш тўғрироқ бўлар эди. Чунки, маданият тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у маънавият ва маърифатнинг уйғунликда ривожланишини тақозо этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда улкан ютуқларга эришилмоқда. Бунда инсон ҳаёти бахтлилигининг муҳим шарти бўлган мустақилликни мустаҳкамлашга ҳамда жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган интеллектаул элитани ва ўрта синфнинг кучайиб бориши муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Эришилган ютуқларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишнинг учинчи омили бўлган маънавий юксакликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг одамларнинг нажоти фақат билимда ва ундан бошқаси бўлмагай деган доно сўзларини давом эттириб, энди одамларнинг нажоти билим ва маънавиятда деб айтиш тўғрироқдир. Чунки Имом Бухорий замонидан бугунга қадар ўтган вақт давомида инсоният жамиятида маънавият қашшоқлашиб борди ва натижада ахлоқсизликни маданият деб тушуниш келиб чиқди. Маънавий қашшоқлик нафақат ижтимоий тартибга ва жамият тараққиётига путур етказди, балки, ҳеч қандай муболоғасиз инсониятнинг келгусида яшаб қолишини ҳам гумон қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун бугунги кунда маънавиятни ривожлантириш масаласи, нафақат гапда, балки амалда энг долзарб муаммо ва энг устувор вазифа бўлиши лозим.

Муаммоли саволлар:

1. Мустақилликнинг аҳамиятини инсон табиатан эркин мавжудот эканлиги билан боғлаган ҳолда асослаб беринг.
2. Мустақилликка эришиш, асраб қолиш ва уни мустаҳкамлаш бир-бирдан мураккаб муаммо эканлигини асослаб беринг.
3. Мустақилликни мустаҳкамлашда унинг бахтли ҳаёт шароити эканлигини англаш қандай аҳамиятга эга?
4. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш қандай омилларга боғлиқ?
5. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда интеллектуал элитанинг роли нимада?
6. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда ўрта синф кучлилигининг аҳамияти нимада?
7. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда маънавиянинг ўрни нимада?
8. Инсоният маънавий юксалишда орқада қолинилаётганлигининг сабаби нимада?
9. Маънавий юксалишни қандай мезонлар билан баҳолаш мумкин?
10. Нима учун бугунги кунда маънавий юксалишга эҳтиёж ортиб борапти?

3-мавзу. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилинишининг аҳамияти

Ўзбекистон дунё танлаган демократик тараққиёт йўлидан жадал ривожланиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойили асосида фуқаролик жамиятини шакллантира бориб дунёда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ушбу жараёни янада чуқурлаштириш мақсадида мавжуд ҳолатни танқидий таҳлил қилиб 2017 йилнинг 7 февралда мамлакатни 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади. Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнини янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаб берди.

Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсади мамлакатимизда амалга оширилаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини жадал давом эттириб, фуқаролик жамиятини кучли қилиш асосида халқ ҳаётини фаровонлаштиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришишга хизмат қиладиган қуйидаги устувор йўналишлар, яъни давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд–ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, иқтисодни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва, ниҳоят, бешинчи устувор йўналиш хавфсизликни таъминлаш йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу йўналишларнинг барчаси охир оқибатда одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун қулай шарт–шароитлар яратишга қаратилган. Одам бахтлилигининг муҳим шarti бўлган эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилганлик ҳолати иқтисодий, сиёсий ва маънавий шароитлар яратилганлигига боғлиқ. Ҳаракатлар

стратегияси ўз мазмун моҳиятига кўра одамлар ҳаётини фаровон, бахтли қилишга қаратилган шароитларни яратишдан иборат.

Инсоннинг бахтлилиги уни ўзига боғлиқ бўлган шахсий омилларга ва унга боғлиқ бўлмаган, уни ўраб турган объектив дунёга, яъни табиат ва жамиятдаги табиий ва ижтимоий омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Шахсий омил деганда инсоннинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан юксак бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган соғлом турмуш тарзи тушунилади. Табиий омил деганда инсонни ўраб турган ва инсон яшаётган шароитнинг қулай ёки ноқулайлиги тушунилади. Ижтимоий омил деганда эса, инсон яшаётган жамиятдаги муҳитнинг соғлом ёки носоғломлиги тушунилади. Инсон том маънода бахтли бўлиши учун ҳар уччала омил ҳам шаклланган бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон халқи дунёдаги энг бахтли халқлардан бири бўлиши керак, чунки Ўзбекистоннинг гўзал табиати бетакрордир. Бундай гузал юртда туғилиш ва унда яшашнинг ўзи катта бахт эканлигини унутмаслигимиз керак. Лекин инсон бахтли бўлиши учун фақат табиий омилнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун қулай ижтимоий омил ҳам бўлиши лозим. Бундай омил мустақиллик, тинчлик ва адолат қарор топган муҳитдан иборат бўлади. Мамлакатимизда ҳозирча ана шу уч омилдан иккитаси, яъни мустақиллик ва тинчлик таъминланган бўлиб, фақат учинчи омилни таъминлаш муаммоси қолмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни беш устувор йўналиш бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси” ўз мазмун–моҳиятига кўра адолат тамойилининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлган “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш”¹ йўналиши бахтли ҳаётни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу йўналишда асосий эътибор халқ манфаатини ифодаладиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришга қаратилган. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган барча устувор йўналишлар айнан ана шу давлат ҳокимиятини демократлаштириш йўналишига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, давлат жамият манфаатини ифодалаш ва ҳокимият халққа хизмат қилиши учун у демократия талаблари даражасига муносиб бўлиши керак. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши давлат ва жамиятни демократлаштиришга қаратилган. Демократия деганда ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши ва назорат қилиниши тушунилади. Халқ ҳокимиятни назорат қилишга қодир бўлиши учун у кучли бўлиши керак ва кучли бўлиши учун эса у бирлашган бўлиши керак. Халқнинг бирлашганлик ҳолати фуқаролик жамияти деган тушунча билан ифодаланади ва у фуқаролик жамияти институтлари мажмуидан ташкил топади. Фуқаролик жамияти қанчалик кучли бўлса, демократия ҳам шунчалик кучли бўлади ва ҳокимиятнинг халққа хизмат қилиши таъминланади.

Шунинг учун Ҳаракатлар стратегиясида демократия талабларидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти институтларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Фуқаролик жамиятининг кучлилиги демократик сиёсий тартибнинг кучлилигини

¹ Мирзиёев Ш.М. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 феврал

таъминлайди ва бу, ўз навбатида, халқ манфаатини ифодалайдиган ҳокимиятни шакллантиради. Бундай ҳокимиятнинг шаклланиши эса ҳаракатлар стратегиясининг бошқа барча устувор йўналишларини амалга оширишга шароит яратади. Чунки қонун устуворлигини таъминлаш ҳам, иқтисодий тараққиётга эришиш ҳам, ижтимоий соҳани риожлантириш ҳам, хавфсизликни таъминлаш ҳам бир нарсага, яъни адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлигига боғлиқ бўлади. Бундай тартибнинг ўрнатилиши эса, демократик сиёсий тартибга боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун биринчи устувор йўналиш демократияни такомиллаштириш орқали ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган ҳокимиятни шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида, Ҳаракатлар стратегиясининг бошқа барча устувор йўналишларини амалга оширишга шароит яратади.

Демократиянинг кучлилиги фуқаролик жамиятининг кучлилигига боғлиқ экан, асосий эътибор фуқаролик жамияти институтларини кучли қилиш масаласига қаратилиши лозим. Фуқаролик жамияти институтлари ичида маҳалла институти алоҳида аҳамиятига эга ва шунинг учун Ҳаракатлар стратегиясида маҳалла фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Фуқаролик жамияти институти ичида ўзини–ўзи бошқариш органи ҳисобланувчи маҳалла алоҳида ўрин тутади. Ўз мазмун–моҳиятига кўра универсал фуқаролик жамияти институти бўлган маҳалла институти фуқароларнинг хилма хил эҳтиёжларини, жумладан, демократик жараёнларда иштирок этиш эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда одамларнинг бахтли бўлишида асосий муаммо ижтимоий тартибнинг барқарорлигини тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ бўлмоқда. Адолатли ижтимоий тартиб таъминланмаган жойда бахтли ҳаёт шароитларини шакллантириб бўлмайди. Ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши назорат фаолиятига боғлиқ бўлиб, бунда жамият назорати муҳим роль ўйнайди. Жамият назорати воситаларидан бири бўлган маҳалла институтининг назорат тизимидаги ўрни ошиб бориб, маҳалла жамоатчилик назоратининг муҳим воситасига айланмоқда. Шу билан биргаликда, маҳалла институти ўз функцияларини ва, энг аввало, назорат функциясини амалга ошириши учун назоратга доир билим етарли эмаслиги маълум бўлмоқда. Назоратга доир билимнинг етарли бўлишини таъминлаш учун маҳалла ўзининг назорат функциясини депутатлар гуруҳи ва корпуси билан ҳамкорликда амалга ошириши лозим. Лекин бунинг учун маҳалла билан депутатлар ўртасида алоқа механизми шаклланган бўлиши ва самарали ишлаб туриши керак. Ҳозирча ана шундай механизм етарли даражада яхши ишлаб турибди деб айта олмаймиз. Ҳаракатлар стратегиясида ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини амалга оширишни кучайтириш вазифаси устувор йўналиш сифатида белгилаб берилиши ҳамда халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг эълон қилиниши электорат билан депутатлар ўртасидаги алоқни янада кучайтиришни талаб қилади. Бугунги кунда қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар ой 10–12 кун давомида электорат билан учрашуви механизмнинг шаклланиши стратегия талаблари билан боғлиқ.

Ҳаракатлар стратегияси аҳолининг хилма–хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва бу эҳтиёжларни қондиришда маҳалла институти муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун мамлакатни модернизациялаш концепциясида фуқароларнинг ўзини–

Ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида гапириб, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: “Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб–қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим”². Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсади халқ ҳаётини фаровон қилиш экан ва у фуқаролик жамиятининг кучлилигига боғлиқ экан, асосий эътибор фуқаролик жамиятини янада кучли қилишга қаратилиши лозим.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланиши учун кучли фуқаролик жамияти институтлари шаклланган бўлиши керак, кучли фуқаролик жамияти институтлари бўлиши учун эса кучли фуқаролар бўлиши керак. Фуқаролик жамиятининг асосий институти бўлган маҳалланинг шаклланиши учун ҳам кучли фуқаролар бўлиши керак. Маҳаллада кучли фуқароларни шакллантириш имконияти кенгроқдир, чунки кучли фуқаро деганда, энг аввало, фуқаролик позицияси шаклланганлик ҳолати тушунилади. Маҳаллада эса маҳалладошлик позицияси анъана тарзида мавжуд бўлиб келган. Ана шу маҳалладошлик позициясини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, фуқаролик позицияси даражасига кўтариш керак. Ана шунда маҳалла аҳли фуқаролик позицияси асосида нафақат маҳалла доирасида, балки бутун мамлакат миқёсида бепарқ бўлмасдан дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Бу эса, юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролик жамиятини кучли қилишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг хилма–хил эҳтиёжларини қондириш асосида уларнинг ҳаётини бахтли қилиш пировард мақсад ҳисобланади. Ушбу хусусда гапирганда, эҳтиёжлар қандай турларга бўлиниши тўғрисида гапириб ўтиш керак бўлади. Сиёсатшунослик фанида одамларнинг эҳтиёжлари уч гуруҳга, яъни базавий эҳтиёжлар, ижтимоий–маданий эҳтиёжлар ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш эҳтиёжларига бўлинади. Фуқаролик жамияти институтлари ичида маҳалланинг ўрни юқори эканлигини шундан кўрса бўладик, бошқа институтлардан фарқ қилиб, маҳалла фуқароларнинг деярли барча эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Бошқа институтлар фуқароларнинг у ёки бу эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Айтайлик, фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий ҳаётда иштирок этиш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади, касаба уюшмалари эса фуқароларнинг меҳнат шароити ва иш ҳақини яхшилаш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Истеъмолчилар ассоциацияси фуқаронинг истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ва ҳоказо. Маҳаллада эса фуқароларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий–маданий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари мавжуд. Шу жиҳатларини инобатга олиб маҳаллани универсал фуқаролик жамияти институти деб айтиш мумкин.

Фуқаролар эҳтиёжларининг қондирилиши учун, энг аввало, жамиятда тартиб ўрнатилган бўлиши лозим ва бундай тартиб ҳар бир маҳалладаги тартибдан ташкил топади. Тартиб бўлиши учун инсоният ҳуқуқ ва ахлоқдан иборат иккита ижтимоий

² “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил. 13 ноябр, 3–бет.

регуляторларни ўйлаб чиққан. Хилма–хил эҳтиёж ва манфаатлардан иборат бўлган одамлар жамияти тартибга олинмаса, инсоният жамияти сон–саноксиз зиддиятлардан, урушлардан иборат бўлади ва, охир оқибатда, бундай жамият ҳалок бўлади. Шундай бўлмаслиги учун одамлар эҳтиёжларини жиловлаш зарурияти келиб чиқади ва бу ҳуқуқ ҳамда ахлоқ воситасида таъминланади. Демак, маҳаллада тартиб бўлиши учун ана шу ҳуқуқ ва ахлоққа риоя қилиш керак бўлади. Бунинг учун маҳалла фуқароси ҳуқуқ ва ахлоққа риоя қилиб, ўз нафсини, эҳтиёжини жиловлаб, ўзига тинчлик, осойишталикни таъминлашини унутмаслиги керак. Тинчлик эса инсон бахтли ҳаётининг муҳим белгиси ва шарт ҳисобланади. Ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етган одам ҳуқуқ ва ахлоқ талабларини бузишдан ўзини тийишга қодир бўлади.

Жамиятда тартиб ўрнатишга хизмат қиладиган ҳуқуқ ва ахлоқ ўз–ўзидан тартибни ўрнатмайди. Тартиб ўрнатиш учун ҳуқуқ ва ахлоққа риоя қилиш амалда таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун уларга риоя қилиш назорат қилиниши лозим бўлади, чунки инсон зоти табиатан назоратга муҳтож, нега деганда ҳар бир одамда туғма эгоизм бор. Ҳеч ким ўзини юз фоиз альтруист деб айта олмайди, айтса, у ёлғон гапирган бўлади. Бундай хусусият фақат фаришталарда бўлади, инсонда эса табиатан, туғма эгоизм бўлиб, у, албатта, назорат остида бўлиши лозим. Назорат бўлмаган жойда одам ўз нафсининг қулига айланиб қолади ва ҳуқуқ ҳамда ахлоқ меъёрларини бузиб, ижтимоий тартибсизликни келтириб чиқаради. Бу эса ҳар қандай жамият учун ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу ўринда назоратдан энг манфаатдор одам ким деган саволга жавоб бериш фойдадан холи бўлмайди. Бу саволга жавоб беришда назорат фаолиятининг маҳсули бўлган ижтимоий тартибдан энг манфаатдор одам ким эканлигини аниқлаб олиш лозим. Буни тушуниш учун оиладаги тартибдан энг манфаатдор одам ким эканлигини билиш керак. Оиладаги тартибдан энг манфаатдор одам оила бошлиғи, яъни ота–она эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Мамлакатни катта, кенгайтирилган оила деб айтсак, ундаги тартибдан энг манфаатдор шахс давлат бошлиғи эканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун кимда–ким назорат фаолиятига тўсиқ бўлса, у Президент сиёсатига қарши борган бўлишини англаб олиши лозим. Шу ўринда яна шуни айтиш керакки, Президентдан бошқа барча одамлар назорат остида бўлиши керак, чунки назорат берадиган тартибдан энг манфаатдор шахс Президент ҳисобланади.

Маҳаллада тартиб бўлиши учун назорат ким томонидан амалга оширилиши ва кимни назорат қилиш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Ушбу саволга жавоб беришдан олдин назорат ўзи нима деган саволга жавоб бериш керак. Назорат ҳуқуқ ва ахлоқ асосида қабул қилинган чекловларга, меъёрларга риоя қилишни таъминлаш орқали жамиятда тартиб ўрнатадиган механизм фаолиятidir. Демак, назорат бу механизм фаолияти экан. Механизм эса бир қанча элементлардан иборат бўлган яхлитлик, тизим бўлиб, унинг элементлари бир–бирига боғлиқ ва бир–бирини ҳаракатга келтиради. Маҳаллада ана шу назорат механизми ишлаши учун, энг аввало, маҳалланинг ҳар бир аъзоси унда иштирок этиши керак. Агар маҳалланинг биргина аъзоси ҳам назоратда иштирок этмаса, механизм ишламайди, ишласа ҳам заиф ишлайди. Шунинг учун маҳаллада назоратни ким амалга ошириши керак деганда, маҳалланинг ҳар бир аъзоси, яъни барча одамлар амалга ошириши керак деб айтиш

мумкин. Кимни ва нимани назорат қилиш керак деганда, маҳалла раиси фаолиятини, ҳуқуқ ва ахлоққа риоя қилишини назорат қилиш керак деб тушуниш керак. Агар маҳаллада ҳуқуқ ва ахлоқ бузилиши ҳолати бўлдим, маҳалла аҳли ўз фикрини айтиши керак. Бу борада маҳалла маслаҳатчилари муҳим восита бўлишлари керак.

Маҳалла маслаҳатчилари раисга маслаҳат беришлари орқали назоратни ҳам амалга оширган бўладилар. Лекин бунинг учун маслаҳатчи маслаҳат бериш даражасида билимга ҳам эга бўлиши керак. Маҳалла маслаҳатчиларини туман миқёсида қиёслаганда, уларни туман кенгаши депутатлари сифатида кўриш мумкин. Туман депутатининг асосий вазифаси ижроия ҳокимият устидан қонунга риоя қилишни назорат этиш ҳисобланади. Маҳалладаги маслаҳатчилар ҳам маҳалла миқёсида ҳокимиятни амалга оширишда ҳуқуқ ва ахлоққа риоя этилишни назорат қилишлари лозим.

Депутатлар кўпроқ ҳуқуққа риоя этишни назорат қилишса, маҳалла маслаҳатчилари кўпроқ ахлоққа риоя этишни назорат қилишади. Чунки маҳалла ихтиёрида мажбурлов органлари йўқ. Шунинг учун у қонун бузилиши ҳолатларида жазолаш имкониятига эга эмас, аммо маҳалла ахлоқ қоидалари бузилганда маънавий таъсир этиш имкониятига эга. Лекин бу дегани маҳаллани тартибга олиш имконияти паст деган тушунчани келтириб чиқармайди. Агар маҳаллада бирор–бир фуқаро тўғрисида салбий фикр шакланса, бу фикрни ижобий томонга ўзгартириш учун камида бир авлод даври, яъни 30 йилча вақт керак бўлади. Маҳалла ана шу ахлоқий таъсир этиш имкониятидан самарали фойдалана олиши керак.

Маҳаллада тартиб ўрнатилгандан кейин маҳалла ўзининг функцияларини амалга ошириши мумкин бўлади. Маҳалланинг функцияларидан бири маҳалла аҳлини ва, энг аввало, ёрдамга муҳтож кам таъминланганларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон танлаган ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўли ва тараққиётнинг ўзбек моделининг беш тамойилидан бири кучли ижтимоий сиёсат эканлигини ҳамда Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ижтимоий соҳани ривожлантириш эканлиги аҳолининг ижтимоий ҳимояси устувор вазифа эканлигини яққол кўрсатиб туради. Инсоният жамияти яралгандан бошлаб аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари бўлган, ҳозир ва бундан кейин ҳам бўлади. Бундай ҳолатга тушиб қолишдан ҳеч ким ҳимояланган эмас, шунинг учун аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини қўллаб–қувватлашдан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Бу борада давлат ҳам фуқаролик жамияти институтлари ҳам, ва, энг аввало, маҳалла фаол бўлиши керак. Чунки кимнинг қандай аҳволда яшаётганлигини ҳаммадан кўра маҳалла яхшироқ билади ва манзилли ёрдамни амалга ошира олади. Маҳалла давлат ижтимоий сиёсатини ҳаётга татбиқ этадиган асосий институт ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя стратегияси давлатнинг ижтимоий сиёсати орқали белгилаб берилади. Республикамизда эндигина шаклланиб, ривожланиб бораётган ижтимоий хизмат тизими ана шу стратегияни амалга оширади. Бу борада ижтимоий хизмат тизими билан маҳалла ўртасида ижтимоий шерикчилик ўрнатилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, маҳаллада ижтимоий хизматчи штатини жорий қилиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Демократия талабига кўра ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши ва

назорат қилиниши лозим. Шунинг учун маҳаллада демократия фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларни сайлашда ва сайлангандан сўнг уларни назорат қилишда намоён бўлади. Умуман, сайлов деганда фақат овоз бериш жараёнини тушуниш керак эмас. Овоз бериш жараёни сайлов жараёнининг бир қисми, холос. Сайлов деганда уч жараён тушунилиши тўғрироқ бўлади. Биринчиси, номзод кўрсатиш, иккинчиси овоз бериш ва, учинчиси, сайланган одам билан сайловчилар ўртасидаги алоқа жараёни. Бунда маҳалла раислигига номзод кўрсатиш жараёни муҳим роль ўйнайди, чунки номзод кўрсатишда танлаш имконияти кенг бўлади. Овоз беришда эса икки, уч кишидан бирини танлаш имконияти бўлади, холос. Шунинг учун маҳалла аҳли номзод кўрсатишда фаолроқ иштирок этиши лозим. Давлат ҳокимияти органлари раҳбарларидан фарқ қилиб, маҳалла раиси кўпроқ авторитет асосида шаклланиши керак. Чунки давлат ҳокимияти раҳбарига одамлар ҳам кўрқиб, ҳам севиб итоат қилишади. Нега деганда, агар одам ҳокимиятга итоат қилмаса, қонунни бузса, ҳокимият уни жазолаши учун мажбурлов органларига эга. Маҳаллада эса кўпроқ севиб, ҳурмат қилиб итоат қилинади. Маҳалла, фақат маънавий таъсир этиш имкониятига эга. Шунинг учун маҳаллага раисликка тавсия қилинган одам маҳалла аҳли ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган бўлиши керак.

Ҳокимият ресурси мотив нуқтаи назаридан талқин қилинганда икки нарсадан–кўрқув ва севгидан иборат. Давлат ҳокимияти органларида кўрқув ресурси устунлик қилса, маҳалла ҳокимиятида севги ресурси устунлик қилади. Лекин давлатда ҳам, маҳаллада ҳам ҳокимиятнинг ҳар иккала ресурси мавжуд бўлиши керак. Агар давлат ҳокимиятида фақат кўрқув бўлса, бу ҳокимият эмас, балки ҳукмронлик бўлиб қолади. Халқ ҳокимиятни ҳам севиб, ҳам ундан кўрқиб итоат қилиши керак. Маҳаллада ҳам одамлар раисга ҳам севиб, ҳам кўрқиб итоат қилишлари керак. Кўрқув фақат ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари бузилиши эҳтимоли пайдо бўлганда келиб чиқиши лозим. Бошқа вақтларда одамлар кўрқмасдан, эркин яшашлари керак. Бунинг учун маҳалла раиси энг обрўли одамлардан сайланиши ва назорат остида бўлиши керак. Маҳалла раисининг катта обрў-эътибори, энг аввало, унинг адолат тамойилига риоя этиши билан боғлиқ.

Ушбу масала юзасидан гапириб, Биринчи Президентимиз шундай таъкидлаган эдилар: “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг ўзини–ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора–тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш таклиф қилинади³.

Мамлакатни модернизациялаш концепциясига асосан ишлаб чиқилган қонунлар, хусусан, ”Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлар ва Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда беш устувор

³ Халқ сўзи. 2010 – йил. 13–ноябр.

йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтларини, жумладан, маҳаллани ижроия ҳокимият устидан қонунга риоя қилишнинг назоратини кучайтиришга қаратилган. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши маҳалланинг янада кучайишининг сиёсий ва ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, ўтган қисқа тарихий даврда мамлакатимизда шаклланган фуқаролик жамияти институтлари ичида ўзини–ўзи бошқариш органи–маҳалла ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Кучли фуқаролик жамиятини куриш ва унинг асосида халқимиз ҳаётини фаровон қилиш мақсади маҳалланинг янада кучайишини талаб этмоқда. Бу эса, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириб, бефарқликдан халос бўлиши, дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши орқали амалга оширилиши мумкин. Аҳоли сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг ошиши назорат тизимининг кучайишини таъминлайди. Назорат тизими жамият тараққиётининг муҳим шарт бўлган ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қилади. Назорат тизимининг кучли бўлиши одамларда назоратга доир билимнинг юқори бўлишига боғлиқ, билим эса таълим тизимида шаклланади. Демак, олий таълим тизимида назоратга доир билимни берадаган “Ижтимоий назорат” номли ўқув курсини киритиш мақсадга мувофиқ.

Маҳалла институтини жамоатчилик назорати воситаси сифатида кучайтириш учун ижтимоий назоратга доир билимни маҳалла раиси, маслаҳатчилари ва кенгаш аъзолари ҳамда фаоллари ўртасида кенг тарғиб қилиш чораларини кўриш лозим. Ушбу тадқиқот ёшларимизга ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий билим бериб, уларнинг умумий маданиятининг ўсишини таъминлаб, кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, маҳалла институтини ривожлантириш ушбу институт ва унинг фаолияти тўғрисидаги билимга боғлиқдир. Чунки ҳар қандай фаолиятни самарали амалга ошириш ўша фаолиятга доир билимга боғлиқ бўлади. Ҳозирча бирор бир фан маҳалла институтига доир билимни комплекс тарзда бермайди. Шунинг учун ушбу фаолиятга доир билимни комплекс тарзда берадиган “Маҳалла институти” номли ўқув курсини жорий этиш замон талабидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг замонавий шакллари ривожлантириш ва маҳалла институти фаолиятини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратганлари ушбу таклифнинг нақадар муҳим эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши “Давлат ва жамият курилишини такомиллаштириш” йўналишини амалга ошириш, жумладан, маҳалла институтини янада кучайтириш, мамлакатда ижтимоий адолатни таъминлаш ва фуқароларнинг хилма–хил эҳтиёжларини қондириш орқали уларнинг ҳаётини фаровон, бахтли қилишда муҳим аҳамиятга эга деб айтишга барча асосларимиз бор. Демак, Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш инсон бахтлилигининг муҳим шартларидан бир бўлган адолатли ижтимоий тартибнинг барқарорлигини ҳамда халқ манфаатини ифодалашни таъминлаш орқали Ўзбекистон халқининг ҳаётини фаровон ва бахтли қилишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимизда адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши билан инсон ҳаётини

бахтли қилишнинг юқорида таъкидланган ижтимоий омил тўлиқ шаклланади, яъни мустақиллик, тинчлик ва адолатли ижтимоий тартиб таъминланади. Инсон ҳаётини бахтли қилишнинг муҳим шартлари бўлган, табиий омил ва ўзимизга боғлиқ бўлган шахсий омил ижтимоий омил билан уйғунлашиб халқимизнинг том маънода бахтли бўлишига хизмат қилади.

Саволлар:

1. Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилинишига қандай эҳтиёж бор эди?
2. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон халқини ҳаётини бахтли қилишда Ҳаракатлар стратегияси қандай аҳамиятга эга?
4. Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни демократлаштириш масаласи қандай ўринга эга?
5. Ўзбекистон халқи ҳаётини бахтли қилишда Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти нимада?
6. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини ўрни қанчалик муҳим?
7. Фуқаролик жамиятини кучли қилишда маҳалла институтининг ўрни нимада?

4-мавзу. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

Жамият тараққиётини муҳим шарт бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда Конституция ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Давлатни асосий қонуни бўлган Конституция жамиятда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиши учун унга риоя қилиш амалда таъминланган бўлиши лозим. Бунинг учун Қонун устуворлиги ва адолатни қарор топтиришга қодир бўлган назорат тизими шаклланган бўлиши керак. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг 7 февралда тасдиқлаган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида асосий эътиборни назорат тизимини самарали қилишга хизмат қиладиган механизмни шакллантиришга қаратган. Назорат механизми давлат ва жамият институтлари назоратидаги ижтимоий шерикчилигидан ташкил топади. Назорат тизимида давлат назоратини таркибий қисми бўлган суд ҳуқуқ тизимининг назорати муҳим рол уйнайди. Жамиятда тартиб ўрнатишга масъул бўлган суд ҳуқуқ тизими ижтимоий тартибни ўрнатиши учун олдин уни ўзида тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Шунинг учун мамлакатни модернизациялаш концепциясида асосий эътибор суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масаласига қаратилган. Шундан келиб чиқиб, биз суд ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар бориши тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қилдик.

Бош мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият қуришнинг муҳим шарт адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилганлигидир. Ижтимоий тартиб деганда ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига риоя қилш таъминланиб адолат қарор топган ҳолат тушунилади. Ижтимоий тартиб ўрнатилиши учун ҳуқуқ ва ахлоқ

нормаларига риоя қилиш таъминланган бўлиши лозим. Бунинг учун ҳуқуқ ва ахлоқга риоя қилиш назорат қилиниши керак. Назоратни юқоридан давлат, қуйидан жамият амалга оширади. Назоратни асосий объекти қонунга риоя қилиш бўлиб ҳисобланади. Қонунга риоя қилишни таъминлаш, энг аввало, суд-ҳуқуқ тизимига боғлиқ. Шунинг учун давлат ва жамиятнинг назорати ҳам, энг аввало, суд-ҳуқуқ тизими устидан бўлиши лозим, чунки, жамиятда тартиб бўлиши учун ижтимоий тартибни ўрнатишга масъул бўлган суд-ҳуқуқ тизимининг ўзида тартиб ўрнатилган бўлиши лозим.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар охир оқибатда суд ҳукмининг адолатлигини таъминлашга қаратилган. Тарих шундан гувоҳлик бермоқдаки адолатни таъминлайдиган ижтимоий тартибни ўрнатиш учун фақат давлат назорати етарли эмас экан. Бунинг учун жамият назорати ҳам керакдир. Қаерда ижтимоий тартиб заиф бўлса, ўша ерда фуқаролик жамияти кучсиз бўлган бўлади. Фуқаролик жамияти кучли бўлган жамиятда ижтимоий тартиб ҳам мустақкам бўлади. Ижтимоий тартиб ўрнатиш энг аввало суд-ҳуқуқ тизимига боғлиқ экан ва суд-ҳуқуқ тизими жамиятда тартиб ўрнатиши учун олдин унинг ўзида тартиб ўрнатилган бўлиши керак экан, демак, бунинг учун суд - ҳуқуқ тизими устидан назорат кучли бўлиши керак.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳал қилувчи ролни суд ҳокимияти ўйнайди. Чунки, кимни ҳақ ёки ноҳақлигини охир оқибатда суд ҳокимияти белгилайди яъни, охирги нуқтани суд ҳокимияти қўяди. Шунинг учун суд хато қилишга ҳаққи йўқ. Бу эса ўз навбатида суд ҳокимиятини ҳукмини адолатлигини кафолати бўлишини тақозо этади. Бу ерда муаммо шундаки, судлар мустақил, улар фақат қонунга асосланиб ишлашади ва уларни назорат қилиш мумкин эмас деган тушунча шаклланганлигида. Лекин судлар ҳам барча бошқа одамлар сингари назоратга табиатан мухтож, чунки, уларда ҳам бошқа инсонларда бўлгани каби эгоизм бор. Шунинг учун суд ҳокимияти ҳам назорат остида бўлиши керак. Фақат у ёки бу ташкилотни назорати остида эмас, балким, жамоатчилик назорати остида бўлиши лозим. Қолаверса, бу демократияни талабидир, чунки, демократия деганда ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши ва назорат қилиниши тушунилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ҳам жамоатчилик назорати остида бўлиши лозим. Суд ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи рол ўйнайдилар. Суд ҳокимияти ҳукмини адолатлигини асосий гарови жамиятни назорати бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда сиёсий ҳаётда амалга оширилаётган ислохотлар ҳокимиятни тармоқларга бўлиниши ва уларни бир биридан мустақиллигини таъминлашга қаратилган. Қонун чиқарувчи ҳокимият жамият тараққиётига хизмат қиладиган қонунларни ишлаб чиқаради, ижроия ҳокимият эса шу қонунларга асосланиб жамиятни бошқаради, суд ҳокимияти ушбу жараёнда қонунга риоя қилишни назорат қилади. Кўриниб турибдики ҳокимиятнинг ҳар уччала тармоғини фаолиятини марказида қонунга риоя қилиш ва ижтимоий тартибни ўрнатиш муаммоси турибди. Охир оқибатда қонунга риоя қилишни таъминлаш суд ҳокимиятига боғлиқ бўлади. Агар суд ҳокимияти ўз функциясини тўғри бажармаса ҳар қандай яхши қонун ҳам аҳамиятга эга бўлмай қолади ва натижада ижтимоий тартибга путур этади. Бундай ҳолат бўлмаслиги учун қонунга риоя қилишни фақат суд ҳокимияти назорат қилиши

етарли эмас, бунинг учун ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғи ҳам бир бирини қонунга риоя қилишини назорат қилиши керак. Бунинг учун суд ҳокимияти устидан назоратни конституцион механизмини топиш керак.

Жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган ижтимоий тартибга ички ва ташқи таҳдидлар мавжуд. Ташқи таҳдиддан ҳимоя ташқи алоқа органлари, қуролли кучлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона хизмати орқали таъминланади. Ички таҳдиддан эса суд-ҳуқуқ тизими яъни милиция, прокуратура, адлия, миллий хавфсизлик хизмати ва суд ҳокимияти ҳимояни таъминлайди. Ички ва ташқи таҳдиддан қай бири хавфлироқ десак ички таҳдид хавфлироқ деб айтиш тўғри бўлади. Чунки, ички таҳдид жамиятда норозилик кайфиятини келтириб чиқаради. Ички таҳдид бўлган норозилик кайфиятини келиб чиқишини асосий сабаби адолатсизликдир, яъни қонунга риоя қилиш амалда таъминланмаганлигидир. Шунинг учун инсон ҳар қандай қийинчиликка чидади, лекин адолатсизликка чидай олмайди деган фикр мавжуд. Норозилик кайфияти кучли бўлган жамиятни ҳар қандай ташқи таҳдид пароканда қилиши мумкин.

Мамлакатда одамларда норозилик кайфияти бўлмаслиги учун, улар энг аввало, эркин бўлишлари керак. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти бўлган либераллаштириш айнан ана шу эркинликни таъминлашга қаратилган. Эркин инсонгина жамият тараққиёти учун ўз ички имкониятларини тўлиқ намоён қилишга ҳаракат қилади. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар моҳияти ҳам либераллаштиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда суд-ҳуқуқ тизими жазоловчи орган эмас, балки, фуқароларни ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айланиши лозим. Одамлар ушбу тизимдан қурқиб эмас, балким, ўз ихтиёри билан уларнинг адолатлигини ҳурмат қилиб ва севиб итоат қилишлари керак. Бу либераллаштириш моҳиятидан келиб чиқади, чунки либераллаштириш инсонни қурқиб эмас, балким, ўз ихтиёри билан эркин ҳаракат қилишини англатади. Албатта қўрқув ҳисси батамом йўқолиб кетмайди. Инсонда қўрқув фақат икки ҳолатда келиб чиқиши керак холос яъни биринчидан қонуни ва иккинчидан ахлоқ нормаларини бузиш эҳтимоли пайдо бўлгандагина қўрқув келиб чиқиш керак. Бошқа ҳолатда инсон қурқмасдан эркин яшаши лозим. Бунинг учун эса суд ҳокимияти ҳукмини адолатлиги кафолати таъминланиб адолат қарор топган бўлиши керак.

Бундай кафолатни давлат ва жамиятнинг назорат борасидаги ижтимоий шерикчилиги таъминлаши мумкин. Мамлакатимизда суд ҳукмини адолатлигини кафолатлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Судларни мустақиллигини таъминлаш уларни ихтисослашуви, судларни Президент ҳузуридаги олий малака комиссияси томонидан тайинланиши ва санкция бериш ваколатларини прокуратурадан судларга ўтказилиши суд ҳукмини адолатлигини кафолатини таъминлашга хизмат қилади. Бундан ташқари «Хабеас корпус» институтини жорий қилиниши, айбсизлик презумпцияси талаблари, суд органларини бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан тизимли боғлиқлиги ва маълум бир ахлоқий тамойиллар орқали шаклланадиган виждон ва иймон каби тушунчалар билан ифодаланадиган ички назорат суд ҳукмини адолатлиги кафолати булиб ҳисобланади. Суд ҳукмини адолатлигини кафолатлайдиган омилларнинг ичида энг муҳими оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириладиган жамоатчилик назоратидир. Бундай назорат

суд ҳокимияти фаолиятини очиқлиги ва ошкоралигида намоён бўлади. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши натижасида асоссиз равишда қамоққа олиш кескин камайди. Мамлакатни модернизациялаш концепциясида 2008 йил январдан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 маротабадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини куллаш рад қилинганлиги таъкидланган.

Кассация инстанцияси ислох қилиниб, суд ишларини қайта куришнинг апелляция тартиби жорий этилиши фуқароларни суд орқали ҳимояланиш қафолатини янада кучайтирди. Шу тариқа фуқароларни биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпик тарзда куриб чиқиш тартиби тугатилиб, фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қараридан норози бўлган тақдирда, уз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида уз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишди. Жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йул қуйилган ҳатоларни уз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансоларликка йул қуймасликни муҳим қафолатига айланди. Агар 2000 йилда суд ҳатоларини деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига қура, бундай ҳатоларни 85% дан ортиги апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган. Лекин, нимагадир ҳуқуқий реабилитация институти амалиётда кулланилмай келинмоқда. Ваҳоланки, ушбу институтни кулланиши суд ҳокимиятини адолатлигини қафолатларидан бири бўлиб ҳисобланади ва эртами-кечми адолатни қарор топишини таъминлайди.

Республикамизда, жумладан, Самарқанд вилоятида судларни мустақиллиги Ҳаракатлар стратегияси эълон қилунга қадар адолат талаблари даражасига етарлича эришмаган эди. Чунки, ўша вақтларда Самарқанд вилоятида тергов органлари томонидан келган деярли барча ҳужжатлар маъқулланган эди. Масалан, 2011 йил 9 ой давомида Самарқанд вилояти судларига оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича 509 та шахсга нисбатан прокуратура томонидан қамоққа олишга сакция бериш тўрисида илтимосномалар келиб тушган бўлиб, шундан деярли барчаси яъни 504таси қаноатлантирилган, фақат 5 тасигина рад қилинган ва прокуратура томонидан қайтариб олинган. Ёки 2011 йил 9 ой давомида 7 та гумонланувчи тонидан эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўрисида апелляция протести судларга берилган, лекин, улар қаноатлантирилмаган яъни биринчи инстанция судлари қарорлари кучда қолган. Бундай ҳолат давом этаверса суд ҳокимиятини роли пасайиб кетади. Бундай судга эга бўлгандан қура бир қотибани қуйиш керак у тергов органлари томонидан берилган ҳужжатларни тасдиқлаб бераверсин. Бу давлатга анча арзонга тушади, лекин, албатта қонун ва адолат оёқ ости бўлади.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилган бўлиб улар суд ҳукмини адолатлигини қафолатини мустақкамлаб бормоқда. Бундай қафолатни янада кўчатириш учун Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Қаримов томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрида Парламентнинг қўшма мажлисида баён қилинган мамлакатни модернизациялаш концепциясида ва Ҳаракатлар стратегиясида қатор ташкилий ҳуқуқий чора тадбирлар тақлиф қилинди. Ушбу тақлифлар ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган назорат тизимини самарали ишлашини

таъминлайдиган механизмини шакллантиришга қаратилган.

Бундай назорат механизмини шаклланиши мамлакатда демократия ва фуқаролик жамиятини юксалишини тақоза қилади. Бу эса одамларни сиёсий, ҳуқуқий онг ва маданиятига боғлиқдир. Шунинг учун Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш талаб этилган. Сиёсий-ҳуқуқий онг таълим тизимида шаклланишини инобатга олсак Олий таълим тизимида бундай билимларни кенгроқ бериб бориш лозимлигини англаб олиш мумкин. Масалан, Олий таълим тизимида “Ижтимоий назорат” ўқув курсини жорий қилиниши фуқароларни нафақат ҳуқуқий, балки, сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилади. Чунки назорат ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларида риоя қилишни таъминлаш орқали ижтимоий тартибни ўрнатадиган механизм фаолиятидир. Бундай фаолият сиёсий жараёнларнинг кўринишларидан биридир, чунки, назорат давлат бошқарувини таркибий қисмидир.

Суд-ҳуқуқ тизимини адолатлигини кафолатларидан бири адвокатура тизими эканлигидан келиб чиқиб адвокатуранинг мустақилигини кучайтириш чораларини куриш лозим. Ҳозирги кунда адвокатура қоғозда мустақил амалда эса мустақиллик тулиқ таъминланган эмас. Бу борада адвокатларни профессионал маҳоратини ошириш ва маънавиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Адвокат билан прокурорнинг тенглигини амалда таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Ана шунда адвокат реал ҳуқуқий кучга айланади ва суд ҳукмини адолатлигини кафолатларидан бири бўла олади. Бу борадаги муаммолардан бири шуки эркин касблардан булган адвокатлик фаолиятида индивидуализм анъаналари кучлилиқ қилади. Бу эса уларни бирлашишига тускинлик қилади ва жипсликка салбий таъсир этади. Ваҳоланки улар уларини корпоратив манфаатларини ифодалашлари учун бирлашган ҳолда ҳаракат қилишлари керак. Улар бирлашган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари билан ва энг аввало, Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришлари лозим. Ана шунда адвокат реал ҳуқуқий кучга ва ўз ҳимоячисига адолатли муносабатни кафолатига айланади. Ҳозирча бирор-бир адвокат уз миждозини суд залидан олиб чиқиб кетганлигига мисол келтиролмаймиз. Ёки айбсизлик презумпцияси асосида айби исботланмаганлиги ҳолати буйича суд залидан озод қилинганга мисол келтиришга кийналамиз. Ваҳоланки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида бундай ҳолатлар тез-тез учраб туради. Бизларда собиқ советлар замонасидаги бузуқ амалиёт ўз таъсирини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Ўша замонда бировни судда айбланиш учун айбни исботлаш шарт эмас, балки айбдор ўз айбига иқрор бўлса шунинг ўзи ҳукм чиқаришга етарли деган тамойил ҳукмронлик қилган. Ваҳоланки, одил судлов бўлиши учун нафақат айбдор ўз айбига иқрор бўлиши, балки айб қонунда белгиланган тартибда исботланган бўлиши лозим. Одил судлов бўлиши учун айбдорлигига гумон бўлса ҳам у айбсиз деб топилиши керак, чунки айбсиз одам ноҳақдан жазолангандан кўра, айбдор одам жазоланмай қолгани маъқулроқдир.

Суд ҳукмини адолатлигини кафолатини кучайтириш учун Судьяликка таъйинлашни ёш чегарасини белгилаш мақсадга мувофиқ. Чунки, Судья ҳукм чиқарганда қонунга ва виждонга асосланиши учун у маълум бир ҳаёт мактабини ўтаган бўлиши лозим. Инсонда виждон кучли бўлиши учун иймон кучли бўлиши

керак, иймон кучли бўлиши учун эса, охират азобидан ва Худодан қурқиш керак. Лекин, инсон купинча 50 ёшдан утгандан кейингина Худони, охиратни уйлашга кодир бўлади. Унгача инсонга хаёт чексиз куринди ва у охиратни уйлашга етарли даражада тайёр бўлмайди. Шунинг учун Муҳтарам Президентимиз ўзларининг чиқишларидан бирида инсон 60 ёшларга етганда Худони уйлайдиган булади ва ўзидан кейин яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади деб таъкидлаганлар.

Суд ҳукмини адолатлигини кафолатини таъминлашда суд маслаҳатчиларни роли юқори. Лекин бунинг учун суд маслаҳатчиларини ролини ошириш чораларини куриш лозим. Ҳозирги кунда суд маслаҳатчилари деярли ҳеч қандай ролни уйнамайдиган “кўғирчоқ роли”ни бажармоқда холос. Бу ўз навбатида суд маслаҳатчиларини маънавияти қашшоқлигидан дарак беради. Агар маънавият юксак бўлганда эди улар “кўғирчоқ” ролини бажармаган бўлур эди. Шунинг учун суд маслаҳатчиларини билим ва маънавияти юксак одамлардан шакллантиришга ҳаракат қилиш керак.

Суд ҳокимиятини адолатлигини кўрсаткичларидан бири одамлардаги дахлдорлик хиссидир. Агар одамлар суднинг адолатлигига ишонмаса улар жамиятга нисбатан бефарқ бўладилар. Бу билан ҳалқ ўзини норозилигини иррационал тарзда ифодалайди. Қайси жамиятда бефарқлик кучли бўлса, демак, ўша жамиятда суд ҳукмини адолатлиги кафолати таъминланмаган ва адолат қарор топмаган бўлади. Демак, адолатсизликни кўрсаткичи бефарқлик кайфиятидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган адолатли ижтимоий тартибни қарор топтиришга қаратилган. Бунинг учун суд-ҳуқуқ тизими ва энг аввало, суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланган бўлиши лозим. Шу билан биргаликда суд-ҳуқуқ тизимини очиклиги ва ошқоралиги орқали жамият назорати урнатилган бўлиши лозим. Давлат ва жамият назоратини уйғунлигидан иборат булган назорат тизимигина суд-ҳуқуқ тизимини адолатлигини кафолатини таъминлашга кодирдир. Мамлакатни модернизациялаш концепцияси ва Ҳаракатлар стратегиясида таклиф қилинган ва бугунги кунда ишлаб чиқилган қонунлар ушбу мақсад йулида ҳуқуқий асос бўлади ва суд ҳокимияти устидан назоратни конституцион механизминини шакллантиришга хизмат қилади. Демак Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатимизда шаклланаётган назорат тизими адолатли ижтимоий тартибни кафолатидир.

Саволлар:

1. Қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигининг адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишдаги аҳамияти нимада?
2. Қонун устуворлигини таъминлашда суд-ҳуқуқ тизимини ўрни қанчалик муҳим?
3. Қонун устуворлигини таъминлашда назорат фаолиятининг ўрни нимада?
4. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар суд ҳукмининг адолатлигини таъминлашда қандай аҳамиятга эга?
5. Мамлакатимизда сиёсий ҳаётда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳокимиятни тармоқларга бўлиниши ва уларни бир биридан мустақиллигини таъминлашга

қаратилганлиги қонун устуворлигини таъминлашда қандай аҳамиятга эга?

6. Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилган ишлар суд ҳукмини адолатлигини кафолатини таъминлашда қандай аҳамиятга эга?

7. Суд ҳукмининг адолатлигини кафолати нима?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-семинар. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашувида янги сиёсий муҳитнинг ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги, 2018 йил 28 декабрдаги ва 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақирув ҳисобланади. Бугунги кундаги мурожаатноманинг фарқи шундаки бунда номинал демократиядан реал демократияга ўтишга хизмат қиладиган янги сиёсий муҳит шаклланимқда. Бошқача қилиб айтганда бугунги кунда мамлакатимизда демократиянинг шаклига муносиб мазмуни шаклланиб бормқда. Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини тушуниш учун ислохотларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб фикрлаш керак. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистонни ривожлантириш асосида халқимиз ҳаётини бахтли қилишга қаратилган. Демак мурожаатномани мазмун-моҳияти Ўзбекистон халқини ҳаётини бахтли қилишда фаол иштирок этишга чақириқ деб айтиш мумкин.

Ислохотларнинг мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун, энг аввало, халқнинг дардини билиш ва мавжуд ижтимоий муаммоларни аниқлаб олиш керак бўлади. Шунинг учун ислохотларни амалга оширишга қаратилган 2017 йилнинг 7 февралда тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи босқичи “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланди. Муаммолар аниқлаб олингандан сўнг Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи босқичига “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилди. Бозор муносабатлари шароитида пул омилини биринчи ўринга чиқиши ва иқтисодий ривожланиш инвестицияга боғлиқ бўлиши сабабли, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи босқичи яъни 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланди. Миллий тикланишдан миллий юксалиш ғоясининг талабларидан ва тараққиётнинг муҳим шарти илм-фан ютуқларига асосланиш эканлигидан келиб чиқиб 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилди. Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий кетма-кетликда бир бирига боғланган босқичлардаги вазифаларни самарали амалга оширилиши адолатли ижтимоий тартибни ўрнатилганлигига боғлиқ.

Мурожаатномада ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига доир вазифалар белгилаб берилган. Ҳар бир соҳа вакиллари мурожаатномани ўрганганда ўзларига доир вазифаларни аниқлаб олишлари ва уни ижроси борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари лозим. Лекин мурожаатномада инсон қайси соҳа вакили бўлишидан қатъий назар ҳамма учун бир хил аҳамиятга эга бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Буларга Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўлидан жадал ривожланиш борасидаги вазифалар, замонамиз моҳияти бўлган фуқаролик жамиятини кучли қилиш борасидаги вазифалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни асосида ётган либераллаштириш жараёнини такомиллаштириш борасидаги вазифалар, барча соҳадаги раҳбар кадрларни ўз ишига танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият олиб

бориши борасидаги вазифалар ва бошқа вазифалар киради. Бу вазифаларни амалга ошириш ҳамма учун дахли бўлган коррупция муаммосини ҳал қилиб Ўзбекистон халқини ҳаётини бахтли қилишга қаратилган.

Бахтли ҳаёт қуриш борасида гапирганда яна бир янгиликни айтиб ўтиш адолатдан бўлар эди. Олдинги мурожаатда мухтарам Президентимиз томонидан бахтли ҳаёт тўғрисидаги тушунча танқидий таҳлил қилиниб бир янгилик киритилган эди. Янгилик шундан иборатки - бахтли ҳаёт келажакда эмас балки бугун бўлиши керак деган фикрда. Чунки бизлар бахтли ҳаёт келажакда бўлади деган фикрга ўрганиб қолиб эртанги кунимиз бахтли бўлади деган фикр тўғри деб қабул қила бошладик. Лекин ҳеч ким, нима учун эртанги кунимиз бахтли деб яшашимиз керак, биз бугун яшаймиз бугунги кунимиз қачон бахтли бўлади деган фикрни ҳаёлига ҳам келтирмай келди. Мухтарам Президентимиз ушбу масалага танқидий ёндашиб одамлар бугун яшайди ва улар бугун бахтли бўлишлари керак деган янги ғояни илгари сурдилар. Бу янги таклифнинг аҳамияти шундаки агар биз бугун эртанги кунимиз бахтли бўлади деб яшасак, эртага фарзандларимиз ҳам эртанги кунимиз бахтли бўлади деб яшайди, индинга набираларимиз ҳам худди шундай фикр билан яшайди, натижада бахтли ҳаёт реалликка айланмай фақат орзу бўлиб қолади. Бунга қарийиб 90 йил давом этган шўролар замони яққол мисол бўлади. Шўролар замони тарихи бизга сабоқ бўлиб ушбу хатони такрорламаслигимиз керак ва бунинг учун мурожаатномани мазмун-моҳиятини тўғри англаб олишимиз керак.

Мурожаатнома бахтли ҳаёт қуриш билан боғлиқ экан, энг аввало, бахтли ҳаёт нима эканлигини аниқлаб олиш керак. Бахтли ҳаёт нима эканлигини билгандан кейин мурожаатномани тушиниш осонроқ кечади, чунки бирор бир нарсага эришиш учун ўша нарсага доир билим муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги муаммо шундан иборатки бахт тўғрисида хилма-хил тушунчалар мавжуд, чунки ҳар ким бахтни ҳар хил тушинади. Натижада, фикрларнинг тарқоқлиги ва айрим тушинмовчиликлар келиб чиқади. Ҳатто бахт сўзига аниқ таъриф бериб бўлмайди, чунки бу нисбий тушунча деган фикр ҳам мавжуд. Лекин бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, унга фақат қисман қўшилиш мумкин. Нима учун қисман қўшилиш мумкин, чунки мутлақ ҳақиқат, мутлақ адолат бўлмаганидаек мутлақ бахт ҳам бўлмайди. Нима учун тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки инсонни миллати, дини, ирқи ва мафқурасидан қатъий назар ҳамма учун бир хил тўғри келадиган бахт таърифини бериш мумкин. Шунинг учун Абу Наср Фаробий тарбия тажрибали ўқитувчилар томонидан ташкил этилиши керак, чунки ҳар бир одам бахтни ва ҳодисаларни ўзича била олмайди деб таъкидлаган.

Бахтни таърифни беришдан олдин, ҳозиргача бахтга берилган таърифни айтиб ўтиш ва уни камчилигини аниқлаб олиш керак бўлади. Аксарият луғатларда бахт инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилганлик ҳолати деб берилган. Бир қарашда мукамал таърифга ўхшайди, инсонга яна нима керак қорни тўқ, усти бут бўлса ва камчилиги бўлмаса бахтли бўлиш учун етарлидек кўринади. Лекин бу таърифда битта камчилик бор ва бу камчилик кўрқувсиз эркин яшаш ҳисси йўқлиги ҳисобланади. Агар инсонда кўрқувсиз эркин яшаш ҳисси бўлмаса унинг қор тўқ, усти бут ва эҳтиёжлари қондирилган бўлса ҳам у бахтли бўла олмайди. Ҳатто кўрқувсиз эркин яшаш ҳисси инсоннинг бахтлилигининг энг муҳим шарти деб айтиш

мумкин. Аслида бундай ҳиссиёт таъминланган муҳитда инсоннинг эҳтиёжлари ҳам кондирилган бўлади, чунки қўрқувсиз эркин яшаш ҳисси бўлиши ижтимоий тартибга боғлиқ ва бу тартиб жамият тараққиётининг ҳам муҳим шarti ҳисобланади. Шундай қилиб бахт сўзига – қўрқувсиз эркин яшаш ҳисси таъминланган ҳолда моддий ва маънавий эҳтиёжларининг тўлиқ кондирилганлик ҳолати деб таъриф бериш тўғрироқ бўлади.

Инсон бахтли бўлиши учун, у, энг аввало, қўрқмасдан эркин яшаши керак экан ва бунинг учун нима керак деган савол келиб чиқади. Бунинг учун жамиятда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Ана энди адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда Ҳаракатлар стратегияси асосида ишлаб чиқилган мурожаатноманинг аҳамияти нимада деган саволни жавобини бериш керак бўлади. Мурожаатнома юқорида таъкилаганимиздек ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, сиёсий соҳани ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни белгилаб беради. Сиёсий ислоҳот деганда демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш боғлиқ бўлган вазифалар тушинилади. Демократия деганда ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши ва назорат қилиниши тушинилади. Халқ ўз назоратини амалга ошириши демократия талаби ҳисобланади ва бунинг учун халқ кучли бўлиши керак. Кучли бўлиши учун эса, у бирлашган бўлиши лозим ва халқнинг бирлашганлик ҳолати фуқаролик жамияти деган тушунча билан ифодаланади.

Фуқаролик жамиятининг халқаро миқёсда эътироф этилган асосий функцияси ижроия ҳокимият устидан назоратни амалга ошириш функцияси ҳисобланади. Мурожаатномада Парламент ролини кучайтириш борасидаги вазифалар ижроия ҳокимият устидан жамият назоратини самарали қилишга хизмат қилади. Демократияни такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш эса, адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бундай тартиб ўрнатилган жойда эса ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ривожланишни таъминлаш мумкин бўлади, чунки, тартиб жамият тараққиётининг муҳим шarti ҳисобланади. Шундай қилиб мурожаатномада белгилаб берилган сиёсий ислоҳотлар адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш асосида инсон бахтлилигининг муҳим шarti бўлган қўрқувсиз эркин яшаш ҳиссини таъминлайди деб айтиш мумкин. Шу билан биргаликда адолатли ижтимоий тартиб нафақат қўрқувсиз эркин яшаш ҳиссини балки инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондирилишини таъминлашга ҳам шароит яратади, чунки тартиб ўрнатилган жойда иқтисодий ўсиш ҳам ва бошқа барча соҳаларнинг ривожланиши ҳам таъминланади. Демак, инсоннинг том маънода бахтли бўлиши адолатли ижтимоий тартибга ва бундай тартиб эса демократия ҳамда фуқаролик жамиятининг кучлилигига боғлиқ деб айтишга барча асослар бор.

Демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш борасидаги муаммолардан бири назорат фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда. Ҳар қандай фаолият самарали амалга оширилиши учун ўша фаолиятга доир билим керак бўлади. Худди шундай назорат фаолиятининг самарадорлиги ҳам назорат фаолиятига доир билимга боғлиқ бўлади. Маълумки билим таълим тизимида шаклланади, лекин бугунги кунда таълим тизимида бирор бир фан назорат фаолиятига доир билимни бермайди. Ваҳоланки, бу билим ҳеч қандай муболағасиз инсоният жамияти учун керак бўлган энг муҳим билим ҳисобланади. Чунки бу билим жамият тараққиётининг муҳим шarti бўлган

адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган билим ҳисобланади. Шунинг учун таълим тизимида ёшларимизга назорат фаолиятига доир билимни берадиган фанларни жорий этиш замон талаби ҳисобланади деб айтиш мумкин. Бу борада СамДУда маълум бир илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб “Ижтимоий назорат” номли фан жорий қилинган. Ижтимоий назорат фани берадиган билим жамият тараққиётининг ва инсон бахтлилигининг муҳим шarti бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қилишини инобатга олиб ушбу янги фанни Олий таълим тизимида жорий қилишни таклиф қилиш мумкин.

Бугунги кунгача демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш борасидаги асосий муаммолардан яна бири мамлакат иқтисодида қишлоқ хўжалигининг улушини юқорилиги ва қишлоқ хўжалигида эса кўп сув истеъмол қиладиган экинларнинг, жумладан, пахтанинг улушининг кўплиги сабаб бўлиб келди. Чунки сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликда давлат ҳокимияти органларини қонунга қатъий риоя қилишини таъминлаш муаммо бўлиб қолади. Бундай ҳолат демократияни ва фуқаролик жамиятини кучли қилишга йўл қўймайди ва охир оқибатда тарихдан маълум бўлган Шарқона деспотизмни келтириб чиқаради. Шунинг учун бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодида қишлоқ хўжалигини улушини қисқартириш ва саноатни ривожлантиришга қаратилган сиёсат юритилмоқда. Буни мурожаатномада пахта ва буғдойга давлат буюртмасини бекор қилиш кераклиги тўғрисидаги фикрдан яққол кўrsa бўлади. Бу борада туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, чунки туризм пахта экинига ўхшаб давлатнинг сув тақсимооти функциясига боғлиқ эмас. Иқтисодиётимизда пахта экини берадиган даромадни пасайишини аста-секинлик билан туризм ҳисобидан қоплаб бориш демократияни ва фуқаролик жамиятини кучли қилишга хизмат қилади деб айтиш мумкин. Шунинг учун мурожаатномада туризмни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш имкониятлари жуда юқори, лекин биз ҳозирча мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаёмиз. Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларга бой Самарқанд, Бухора ва Хоразм каби шаҳарларини туристик имкониятларини ривожлантириш борасида олиб бораётган ишлар талаб даражасида эмас. Биргина Самарқанд шаҳрининг туристик имкониятлари тўғрисида гапирганда шўролар замонида Самарқанд шаҳри туристларни қабул қилиш бўйича шўролар мамлакатада биринчи ўнликка кирганлигини таъкидлаш лозим. Туризм соҳасини ривожлантириш, энг аввало, ушбу соҳага инвестицияни жалб қилишга ва инвестицияни жалб қилиш эса қулай инвестицион муҳит шаклландирилганлигига боғлиқ. Қулай инвестицион муҳит яратиш борасидаги асосий муаммо бюрократия, порхўрлик ва коррупция илллати билан боғлиқ. Ушбу муаммони бартараф қилишнинг энг мақбул йўли демократияни такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш билан боғлиқ. Шунинг учун халқаро миқёсда у ёки бу давлатдаги коррупциянинг даражасига қараб демократия ва фуқаролик жамиятининг кучлилик даражасига баҳо берилади. Қаерда бюрократия, порахўрлик ва коррупция жиловланган бўлса ўша ерда демократия ва фуқаролик жамияти кучли деган хулоса қилинади ва аксинча. Демак дунёдаги энг даромадли соҳалардан бири бўлган туризм соҳасини ривожланиши ҳам, демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш орқали адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга боғлиқ.

Мурожаатноманинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш одамларнинг ҳаётга онгли муносабатда бўлишларига боғлиқ. Ҳаётга онгли муносабатда бўлиш деганда бефарқлик кайфиятини жиловлаб дахлдорлик ҳисси билан яшаш тушунилади. Ҳаётга онгли муносабатда бўлиш, энг аввало, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш жараёнида иштирок этиш дегани. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда, ва энг аввало, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш жараёнида иштирок этиш мурожаатнома талабига мувофиқ ҳаракат қилиш ҳисобланади. Шунинг учун мурожаатномани жамиятни ҳаётга онгли муносабатда бўлишига чақирув деб айтиш мумкин.

Бу борадаги муаммолардан яна бири фуқаролик позициясининг замон талабларидан орқада қолаётганлиги. Фуқаролик позицияси деганда бир фуқаронинг иккинчи бир фуқарога ва жамиятга нисбатан бефарқ бўлмасдан дахлдорлик ҳисси билан яшаш тушунилади. Бефарқлик кайфиятини жиловлаб дахлдорлик ҳиссини шакллантириш фуқаролик позициясининг муҳим шарти ҳисобланади. Бефарқлик кайфиятини жиловлаш учун энг аввало уни сабабини топиш керак бўлади. Бефарқликни сабаби нодонлик ҳисобланади, нодонликнинг сабаби эса маънавий кашшоқликдир. Демак, бефарқлик кайфиятини жиловлаб дахлдорлик ҳиссини шакллантириш учун маънавиятни юксалтириш керак экан. Муҳтарам Президентимиз ўз чиқишларидан бирида бефарқлик душманлик деб айтганларида жуда катта маъно бор. Чунки бефарқ одам - менга нима, ўлиб кетмайдими деган қабилда ёндашган бўлади. Бефарқ одамда масъулият бўлмайди, масъулият эса ҳар қандай фаолиятни самарали қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Аслида фаолиятни самарали қилувчи иккита асосий омил: масъулият ва компетентлик мавжуд. Булардан қайси бири муҳимроқ десак масъулият муҳим деб айтиш тўғри бўлади. Чунки билими бўлса-ю лекин бефарқ бўлса унинг билимидан на ўзига ва на жамиятга фойда бор. Бефарқликни сабаби бўлган маънавий кашшоқликни қандай бартараф қилиш мумкин ёки маънавиятни қандай юксалтириш мумкин деган савол келиб чиқади. Бу ўта мураккаб савол, чунки инсонни билимини баҳолайдиган мезонлар аниқ, лекин маънавиятини баҳолайдиган мезонлар аниқ эмас.

Маънавиятни юксалтириш учун энг аввало маънавиятни юксалтиришга хизмат қиладиган ғоялар ишлаб чиқилган бўлиши керак. Бу борада СамДУ профессор ўқитувчилари томонидан университет ректори раҳбарлигида қўлланма функциясини бажарадиган монография ишлаб чиқилган. Ушбу монография берадиган билим ва ғоялар маънавиятни юксалтириб бефарқлик кайфиятини жиловлашга хизмат қилар экан уни олий таълим тизимида янги академик фан сифатида жорий қилиш таклифини бериш мумкин. Мурожаатда коррупцияга қарши курашда прфилактика ишларини самарали қилиш мақсадида ҳалоллик вакцинаси тўғрисида гапирилди. Бундай профилактика ишларини амалга ошириш учун олдин ҳалоллик вакцинаси ишлаб чиқилган бўлиши керак. Маънавиятни юксалтиришга хизмат қиладиган юқорида қайд қилинган монография ҳалоллик вакцинаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқимизни ислохотларга бефарқ бўлмасдан дахлдорлик ҳисси билан яшаб ҳаётга онгли муносабатда бўлиб ҳаракат қилишига ишонамиз чунки мурожаатнома ҳар биримизнинг ҳаётимизни бахтли қилишга қаратилган чақирув ҳисобланади.

Мурожаатномага бефарқ бўлмасдан дахлдорлик ҳисси билан яшаш давлат ва жамият ўртасида шерикликни шакллантириб инсон бахтлилигининг муҳим шарти бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қилади. Адолатли ижтимоий тартиб эса инсон орзу қилаётган бахтли ҳаётни муҳим шарти ҳисобланади. Мурожаатда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш халқимиз ҳаётини бахтли қилишига ишонамиз.

2-семинар. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши.

Ўзбекистон тоталитар тузумдан, маъмурий буйруқбозлик ва режали тақсимлаш тизимидан воз кечиб, замон талабларидан келиб чиқиб тараққиётнинг ўзига хос йўлидан ривожланиб бормоқда. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” деб ном олган ушбу йўл беш тамойилдан иборат бўлиб, унинг муҳим тамойилларидан бири иқтисодиётнинг мафкурадан холи ва сиёсатдан устуворлиги тамойилидир. Ўтган тарихан қисқа даврда Ўзбекистоннинг эришган ютуқлари ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиши танланган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз тараққиётини кўрсатувчи энг муҳим мезон – бу одамлар кайфиятининг ижобий томонга ўзгариб боришидир, чунки жамият тараққиёти одамлар ҳаётини фаровон қилишга қаратилган. Одамлар бахтли яшайдиган фаровон жамиятнинг муҳим белгиси – бу одамлар кайфиятининг яхши бўлиб боришидир. Буни кўрсатувчи мезон – оммавий ахборот воситалари орқали одамлар кайфиятини кўтаришга қаратилган кўнгилочар кўрсатувларнинг кўпайиб боришидир. Охирги вақтларда телевидениеда яхши кайфият берадиган кулгига ва хурсандчиликка чорловчи кўрсатувлар кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, ҳаётнинг ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди, чунки “қорни оч одамнинг қулоғига гап ёқмайди” деганларидек кайфияти ёмон одамда кулгига ва хурсандчиликка эҳтиёж бўлмайди. Шунинг учун кулгига ва яхши кайфиятга чорловчи кўрсатувларнинг кўпайиб бориши ҳаётнинг ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини кўрсатувчи муҳим индикатор ва мезон деб айтиш мумкин.

Инсон зоти табиатан эркин мавжудот бўлганлиги учун инсоният жамияти ҳам мустақил, эркин ва озод бўлиши лозим. Лекин ҳаёт шундай шаклланганки, унда одамлар ўз эркинликларидан маҳрум бўлиб қолиш ҳолатлари учраб туради. Одамлар эркинликларининг поймол қилиниши ва мамлакатларнинг мустамлакага айланиб қолиши кўпинча урушлар оқибатида юз беради. Локал ва глобал урушлар натижасида мағлуб бўлган у ёки бу мамлакат кучлироқ давлат таъсирига тушиб, ўз мустақиллигини қўлдан бериб қўяди. Урушларда мағлубиятни келтириб чиқарадиган асосий сабаб – бу сиёсий парокандаликдир, сиёсий парокандаликнинг сабаби эса адолатсизликдир. Чунки адолатсизлик, албатта, норозилик кайфиятини келтириб чиқаради. Қайси мамлакатда адолатсизлик, сиёсий парокандалик ва норозилик кайфияти кучли бўлса, ўша мамлакат, эртами-кечми, ўз мустақиллигини қўлдан бой беради. Шунинг учун мустақилликдан ҳам муҳимроқ нарса борми деганда, ҳа, мустақилликдан муҳимроқ нарса бор, бу адолатдир деб айтиш мумкин. Чунки инсон

зоти шундай мавжудотки, у ҳар қандай қийинчиликка бардош беради, лекин адолатсизликка тоқат қила олмайди. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш вазифаси барча вақтларда энг мураккаб муаммо бўлиб келган.

Тарихга назар солсак, инсоният жамияти сон-саноксиз урушларни бошидан кечирганлигини кўриш мумкин. Тарихчилар орасида “инсоният тарихи – урушлар тарихи” деган афоризмнинг мавжудлиги бежиз эмас. Олимларнинг маълумотларига кўра, бутун инсоният тарихи давомида 14,5 минга яқин урушлар бўлиб ўтган, уларда 3,6 млрд.дан ортиқ аҳоли ҳалок бўлган ва кўплаб мамлакатлар ўз мустақилликларини қўлдан бой бериб қўйган. Демак, мустақиллик абадий факт эмас экан, яъни мустақилликни қўлдан бой бериш эҳтимоли мавжуд экан. Буни англаган одам мустақилликнинг аҳамиятини чуқурроқ англаб олади ва мустақилликни мустаҳкамлашга бефарқ бўлмай, дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Мустақилликка нисбатан бефарқ бўлмаслик учун инсон нимага нисбатан бефарқ бўлса, ўша нарсани йўқотиши мумкинлигини билиши лозим. Агар инсон ўз ҳуқуқларига бефарқ бўлса, ҳуқуқи паймол бўлади, агар инсон ўз саломатлигига бефарқ бўлса, саломатлигига путур етади ва, худди шундай, инсон мустақиллигига бефарқ бўлса, мустақиллигини қўлдан бериб қўйиши мумкин.

Мустақилликка эришиш қанчалик қийин бўлмасин, уни асраб қолиш ва мустаҳкамлаш янада мараккаброқдир. Мустақиллик инсон учун шуниси билан муҳимки, у инсонга бахтли бўлишнинг муҳим шarti бўлган эркинликни таъминлашга шароит яратади. Инсон бахтли бўлиши учун у нафақат моддий ва маънавий жиҳатдан эҳтиёжлари қондирилган бўлиши, балки унда кўркувсиз, эркин яшаш ҳисси ҳам бўлиши лозим. Инсон эркин бўлиши учун у олдин мустақил бўлиши керак. Лекин мустақилликка эришган билан бирданига эркинликка эриша олмайди, балки мустақиллик инсонга эркин бўлишга шароит яратади. Ана шу шароитдан тўғри фойдалана олган миллат ўз мустақиллигини асраб қола олади ва мустаҳкамлайди. Агар миллий мустақилликка эришилса-ю, лекин халқнинг эркинлиги таъминланмаса, бундай мамлакат, эртами-кечми, ўз мустақиллигини қўлдан бой бериб қўяди.

Тарихга назар солсак, мамлакатлар ўз мустақилликларини қўлдан бериб қўйганликларига кўплаб мисоллар топиш мумкин. Масалан, мамлакатимиз халқлари XIII асрда мўғуллар зулми остига тушиб, ўз мустақилликларини йўқотиб қўйишган. Худди шундай XIX асрда юртимиз Россия колониясига айланиб, ўз мустақиллигини қўлдан бой бериб қўйган. Ҳар икки ҳолатда ҳам мустақилликнинг қўлдан кетишига мамлакатдаги сиёсий парокандалик сабаб бўлган. Ҳар икки ҳолатда ҳам яна мустақилликни қайта қўлга киритиш учун қарийиб икки аср вақт керак бўлган. Биринчи ҳолатда, яъни мўғуллар зулмидан озод бўлиб, мустақилликка эришимиз учун қарийиб икки аср керак бўлди ва халқимизни мустақилликка олиб чиқиш улуғ бобомиз Амир Темурга насиб бўлди. Иккинчи ҳолатда, яна мустақиллика эришимиз учун қарийиб бир ярим аср керак бўлди ва бу сафар халқимизни мустақиллика олиб чиқиш Биринчи Президентимиз Ислом Каримовга насиб этди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мустақилликка эришиш учун курашлар ва минглаб қурбонлар бўлди. Бундай ҳолат такрорланмаслиги учун мустақиллик абадий факт эмаслигини, яъни мустақиллик қўлдан кетиш эҳтимоли борлигини унутмаслик ва мустақилликни асраб авайлашимиз, мустаҳкамлашимиз лозим.

Мустақиллик қўлдан кетмаслиги учун одамлар мустақилликдан кутган орзу-умидлар рўёбини ва, энг аввало, эркин яшаш имкониятини таъминлаб бериш лозим. Инсон кўркмасдан, эркин яшаши учун жамиятда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Қаерда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилса, ўша ерда одамлар эркин ва бахтиёр бўлиб яшайди. Демак, инсон бахтли бўлиши учун эркин бўлиши керак, эркин бўлиши учун эса адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Мустақиллик ана шундай адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга шароит яратади. Лекин муаммо шундаки, ижтимоий тартибни ўрнатиш қадимдан донишмандларни ва давлат раҳбарларини ўйлантириб келган энг мураккаб муаммо бўлиб келган. Ҳозир ҳам энг долзарб ва мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, мустақиллик ўз ўзидан адолатли ижтимоий тартибни ўрнатмайди, балки унга шароит яратади, холос.

Ижтимоий тартибни ўрнатиш учун назорат бўлиши кераклиги англаб олинган бўлишига қарамасдан, ана шу назорат тизимининг самарали ишлаб туришини таъминлайдиган механизмни шакллантириш қийин кечмоқда. Жамиятда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилиши учун назорат тизимининг самарали ишлаб туришини таъминлайдиган давлат ва жамият назоратидан иборат бўлган механизм шаклланган бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, фақат юқоридан бўлган давлат назорати ижтимоий тартибни ўрнатиш учун етарли эмас, бунинг учун жамият назорати ҳам керак. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили назорат тизимида давлат ва жамиятнинг уйғунликдаги назоратини англатади.

Жамиятнинг назорат тизимида иштирок этиши, энг аввало, унинг кучли бўлишига боғлиқ. Кучли фуқаролик жамияти кучли фуқаролик жамияти институтларидан ташкил топади. Кучли фуқаролик жамияти институтлари эса кучли фуқаролардан ташкил топади. Кучли фуқаролар эса билим ва маънавияти юксак шахслардан ташкил топади. Фуқаролик жамиятининг асосий функцияси назорат эканлигини инобатга олсак, фуқароларнинг назоратга доир билимларини ошириш энг устувор вазифалардан бўлиши лозим. Ҳар қандай билим таълим тизимида шакллангани каби назоратга доир билим ҳам, энг аввало, таълим тизимда шаклланади. Шунинг учун таълим тизимида назоратга доир билимни кенгроқ бериш замон талаби ҳисобланади. Инсон қаерда ўқишидан қатъи назар унга назоратга доир билим керак бўлади, чунки у ким бўлиб ва қаерда ишлашидан қатъи назар назорат тизимида иштирок этиши керак. Назоратга доир билимга эга бўлган ва унинг негизида сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалган фуқароларгина ўз назорат функцияларини амалга оширишга қодир бўлишади. Бунинг учун олий таълим тизимида назоратга доир билимни берадиган фанларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим тизимида ташкил этиладиган назоратга доир билимни берадиган фанлар ёшларимизни назоратга доир билим билан қуроллантириб, орадан маълум давр ўтгач, ўз назорат функциясини амалга оширишга ва назорат механизмнинг самарали ишлаб туришини таъминлашга қодир бўлган авлодни шакллантиради. Бундай назоратга доир билимни ёшларга бериш учун ўқитувчиларнинг ўзида ҳам назоратга доир билим кучли бўлиши лозим. Бундан ташқари, назорат механизмнинг шаклланиш жараёнини тезлаштириш учун нафақат ёшларга, балки аҳолининг бошқа

катламлари ва, энг аввало, ўқувчиларга билим берадиган ўқитувчиларнинг ўзига назоратга доир кенг билим бериш керак. Назоратга доир билимни жамиятда кенг тарғиб қилиш адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилади.

Кучли фуқаролик жамиятининг шаклланиши кучли назорат тизимининг шаклланишини англатади ва адолатли ижтимоий тартибни таъминлайди. Адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши мустақилликни мустаҳкамлашнинг ва жамият тараққиётининг муҳим шартини ҳисобланади. Аҳоли ўртасида назоратга доир билимни тарғиб қилишга бефарқ бўлиш миллий хавфсизлигимизга бўлган ички таҳдидга беэътибор бўлиш билан тенгдир. Бундай таҳдиддан ҳимояланиш учун фақат юқоридан амалга ошириладиган давлат назорати етарли эмас, бунинг учун қуйидан амалга ошириладиган жамият назорати ҳам кучли бўлиши керак.

Давлат назорати функцияларига нисбатан жамоатчилик назоратининг афзал ва муҳим эканлиги ҳақида Республикамиз Биринчи Президенти Ислон Каримов: “Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузулмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузулмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ,” – деганида тамоман ҳақдир.

Амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақияти ижтимоий тартибнинг барқарорлигига боғлиқ бўлганлиги учун, мамлакатимизда, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар уйғунликда амалга оширилмоқда, чунки ижтимоий тартиб, энг аввало, сиёсий тизимнинг такомиллашганлигига боғлиқ. Яқин тарихимизга назар солсак, яъни 1985 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сиёсий ислохотлар эътибордан четда қолганлиги учун иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмаган эди. Буни англаган давлат раҳбарияти 1988 йилда сиёсий ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қилади, лекин бунинг ҳам уддасидан чиқа олмайди. Оқибат ҳаммага маълум, яъни дунёнинг қудратли мамлакатларидан бири барҳам топди. Сиёсий ислохотлардан мақсад иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишнинг муҳим шартини бўлган ижтимоий тартибнинг барқарорлигини таъминлашдир.

Мамлакатда ижтимоий тартиб ўрнатилиши учун жамиятни интеллектуал элита бошқариши, ўрта синф кучли бўлиши ва жамиятнинг маънавий юксалиши муҳим омиллар эканлиги буюк донишмандлар томонидан асослаб берилган. Мустақил мамлакатимизда ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган ҳар учала омил ҳам шаклланиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январда йил якунларига бағишланган йиғилишида таъкидланишича, 2000 йилда ўрта синф аҳолининг 20%ни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 50%ни ташкил қилганлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, таълим соҳасидаги ютуқларимиз билим, яъни интеллектуал элитанинг ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Таълим соҳасидаги ютуқларимиз тўғрисида гапирганда, Франциянинг дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инссад” халқаро бизнес мактабини “Инновацияларнинг глобал инқирози” мавзусидаги маърузасида Ўзбекистон таълим

тизимининг ривожланиши бўйича 141 мамлакат ичида иккинчи ўринда турганлигини эътироф этганлигини айтиш мумкин.

Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, ижтимоий тартибни ўрнатишда муҳим омил бўлган маънавиятни ривожлантириш билимни ривожлантириш даражасидан биров орқада қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, таълим-тарбия тизимида уйғунлик тўлиқ таъминланмасдан, тарбия таълимдан орқада қолмоқда. Бу глобал миқёсдаги муаммо бўлиб, уни ривожлантириш учун Биринчи Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асаридаги ғояларни одамлар онгига сингдириш чораларини кўриш лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларини, энг аввало, телевидениенинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, ахлоқий тарбияда маърифий Ислом динининг тарбиявий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки инсон маънавияти – бу, энг аввало, инсон руҳининг соғломлигидир, руҳ эса диний тушунча бўлиб, уни поклашда диний тарбия муҳим роль ўйнайди. Диний тарбия негизида маънавиятни юксалтириш ижтимоий тартибнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим омилни, яъни дахлдорлик ҳиссини шакллантиради. Ижтимоий тартибни таъминлаш учун фақат интеллектуал элита ва ўрта синфнинг кучлилиги етарли эмас, бунинг учун маънавият ҳам юксак бўлиши лозим.

Ижтимоий тартибнинг барқарорлиги таъминланмаган жойда ва, айниқса, бозор муносабатлари шароитида тараққиётни таъминлаб бўлмайди. Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўлини танлади ва бу бозор муносабатлари шароитида пул фактори биринчи ўринга чиқади, яъни қаерда пул бўлса, ўша ер бойиб боради ва қаерда пул бўлмаса, ўша ер қашшоқлашиб боради. Шунинг учун асосий эътибор мамлакатимизга инвестицияни кенгроқ жорий қилишга қаратилиши лозим. Бунинг учун ижтимоий тартиб барқарорлиги таъминланган бўлиши лозим, чунки тарих шундан гувоҳлик бермоқдаки, қаерда ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлса, ўша ерга инвесторлар кўпроқ интилишади. Ижтимоий тартиб ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига риоя қилишнинг таъминланганлик ҳолатидир. Агар ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига риоя қилиш таъминланган бўлмаса, ҳеч ким, жумладан, инвесторлар ҳам ўзини адолатсизликдан ҳимояланган деб ҳис қилаолмайди. Ҳар қандай одам учун ҳам, инвестор учун ҳам, энг муҳими, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланганлигига ишончдир. Бундай ишонч шаклланиши учун ижтимоий тартибнинг барқарорлиги таъминланган бўлиши лозим.

Ижтимоий тартибнинг барқарорлиги, юқорида таъкидлаганимиздек, учта омилга, яъни жамиятда интеллектуал элитанинг кучайиб боришига, ўрта синфнинг кучайиб боришига ва, ниҳоят, учинчи омил, маънавиятнинг юксалиб боришига боғлиқ. Бу уч омилдан бири, яъни маънавий юксалиш замон талабларидан орқада қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири маънавий юксалишни белгилайдиган аниқ мезонларнинг ишлаб чиқилмаганлигидир. Шунинг учун бўлса керак, йил якунларига бағишланган (2013 йил 18 январдаги) маърузада маънавий юксалишни ифодаловчи мезонлар аниқ кўрсатилмаган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг вазифалари нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг ривожланишини таъминлайдиган раҳбарликни, балки маънавий юксалишни таъминлайдиган самарали раҳбарликни ҳам амалга оширишдан иборат. Ташқаридан унча аҳамиятга эга бўлмагандай

кўринадиган ушбу омил, аслида, энг муҳим омил бўлиши мумкин. Шунинг учун маънавий юксалишни баҳолайдиган мезонларни ишлаб чиқиш ва уларга асосланиб, маънавий юксалишни баҳолаб бориш механизимини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар фан намояндалари маънавий юксалишни баҳолайдиган мезонларни аниқлаб беришлари лозим бўлади.

Маънавиятни юксалтириш учун, энг аввало, уни баҳолайдиган мезонларни ишлаб чиқиш керак экан, асосий эътибор ана шу меъзонларни ишлаб чиқишга қаратилиши лозим. Хўш, маънавиятни қандай мезонлар орқали баҳолаш мумкин? Ушбу саволга жавоб бериш учун маънавиятнинг моҳиятини билиш лозим. Маънавиятнинг моҳияти – моддий ва маънавий бойликка бўлган муносабатда маънавий бойликни устун қўя оладиган қалбий хусусиятдир. Бошқача қилиб айтганда, маънавиятнинг моҳияти одамнинг моддий эҳтиёжлари жиловланганлик ҳолатидир. Ўз эҳтиёжларини жиловлаган одам ўз устидан ҳокимиятга эга бўлган бўлади ва бундай ҳокимият маънавият орқали шаклланади. Ўз устидан ҳокимиятга эга бўлган одам ўзини тийиб тура олади ва ўзгалар манфаатини ҳам ифодалашга қодир бўлади. Бу эса мамлакатда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мутаносиблигининг самарали тизими шаклланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳозирча кўпчилик аҳоли Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатни модернизациялаш концепциясида келтирилган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мутаносиблиги тамойилини чуқур англаб олгани йўқ. Ваҳоланки, ушбу тамойил ижтимоий тартибни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга, чунки тартиб бўлиши учун одамлар ўзаро муносабатда бир-бирларининг манфаатларини инобатга олишлари лозим. Бунинг учун эса улар ўзларини тийиб туришга қодир бўлишлари лозим. Демак, ижтимоий муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мутаносиблиги тамойили маънавиятнинг ривожланишини баҳолайдиган асосий мезонлардан бири бўлиши мумкин.

Маънавиятни баҳолайдиган мезонлардан яна бири – бу мамлакатда маънавий бойликка интилишнинг кучайиб бориш даражасидир. Бунинг учун, яъни одамлар маънавий бойликка интилиб яшашлари учун маънавият кадрланиши лозим. Инсон нима кадрланса, ўшанга интилиб яшайди, агар жамиятда моддий бойлик кўпроқ кадрланса, моддий бойликка интилиш кучаяди, агар маънавий бойлик кадрланса, маънавий бойликка интилиш кучаяди. Маънавият кадрланиши деганда, энг аввало, маънавият аҳлининг кадрланиши тушунилади. “Маънавият юксалиши учун одамлар ғояни севишлари керак” деб ёзган эди юнон файласуфи Платон. Лекин ғояни севиш учун ғоя кадрланиши лозим, яъни ғоя меҳнат маҳсули сифатида тан олинishi ва кадрланиши лозим. Оддий қилиб айтганда, ғояни моддийлаштириш, яъни товарга айлантириш имконияти бўлиши керак. Демак, маънавиятни баҳолашда интеллектуал мулк тушунчасининг шаклланиши ва унинг ривожланиш даражаси ҳам муҳим мезонлардан бири бўлиши мумкин.

Маънавиятни баҳолашда одамлардаги дахлдорлик ҳиссининг ривожланиши ҳам мезонлардан бири бўлиши керак. Чунки маънавияти юксак одамда ирода кучли бўлади, иродаси кучли одам эса ўзидаги бефарқликни жиловлаб, дахлдорлик ҳисси билан яшашга қодир бўлади. Бу мезон ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки бефарқлик кайфияти кучли бўлган жамиятда назорат тизими самарали ишламайди,

демак, ижтимоий тартибнинг барқарорлиги ҳам таъминланмайди. Жамиятдаги бефарқлик ва дахлдорлик ҳиссининг ривожланиш даражасига қараб маънавитга баҳо бериш мумкин. Бефарқлик кучли бўлган жамиятда маънавият паст бўлса, дахлдорлик ҳисси юқори бўлган жамиятда маънавият юксак бўлади. Дахлдорлик ҳиссининг даражасини аниқлашда фуқаролик позициясининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиш мумкин. Фуқаролик позицияси фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу ўринда фуқаролик жамиятининг шаклланишида маънавий юксалиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Демак, маънавиятни баҳолашда жамиятдаги дахлдорлик ҳиссининг ривожланиш даражаси ҳам муҳим мезонлардан бири бўлиши мумкин.

Одамнинг маънавиятига баҳо берганда унинг ҳаракатига қараб эмас, балки ҳаркатиининг остида ётган мотивига қараб баҳо берилади. Инсон ҳаракатининг мотиви рационал ва иррационал ёки соғлом ва носоғлом бўлиши мумкин. Жамиятда соғлом мотивли одамларнинг кўпайиб бориши маънавиятнинг юксалиб боришини кўрсатиб борувчи муҳим мезондир. Соғлом мотивли одамларнинг кўпайиши ижтимоий соғломликни таъминлайди ва бу ижтимоий соғломлик даражаси маънавиятни баҳолаш мезони бўлиши мумкин. Ижтимоий соғломлик даражасини аниқлаш учун олдин у нима эканлигини билиш керак. Ижтимоий соғломлик деганда, азалдан мавжуд бўлган адолат билан разолат ўртасидаги курашда адолат ғалаба қозонган муҳит тушунилади. Жамиятда адолат ғалаба қозониши учун соғлом мотивли одамлар кўпайиши лозим. Бу борадаги муаммо шундаки, ҳеч ким ўзини носоғлом мотивдаман деб ҳисобламайди ёки ҳеч ким ўзини разолат томонидаман деб ҳисобламайди.

Мотивнинг соғлом ёки носоғлом эканлигини аниқлаш учун иккита саволга бериладиган жавобдан келиб чиқиш лозим бўлади. Биринчиси, мен учун нима муҳим, моддий бойликми ёки маънавий бойлик? Иккинчиси, мен жамиятда бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқманми ёки дахлдор ҳисси билан яшайманми? Агар инсон учун маънавий бойлик қадрлироқ бўлса ва у жамиятга нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшаётган бўлса, демак, бу унинг ҳаракати мотивининг соғломлиги аломатидир. Соғлом мотивли одамларни тарбиялашда нафақат таълим-тарбия тизимидан фойдаланиш, балки бу борада комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Бунда оммавий ахборот воситаларидан ва, энг аввало, унинг самарали таъсир воситаси бўлган телевидение имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Бу борада телевидениеда одамларнинг мотиви соғлом ёки носоғлом эканлигини аниқлайдиган “Мотив” номли кўрсатувни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Яна шуни таъкидлаш лозимки, марказий телевидениедаги “Маданият ва маърифат” номли телекўрсатувни “Маънавият ва маърифат” деб номлаш тўғрироқ бўлар эди. Чунки, маданият тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у маънавият ва маърифатнинг уйғунликда ривожланишини тақозо этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда улкан ютуқларга эришилмоқда. Бунда инсон ҳаёти бахтлилигининг муҳим шарти бўлган мустақилликни мустаҳкамлашга ҳамда жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган интеллектаул элитани ва ўрта синфнинг кучайиб бориши муҳим омил

бўлиб хизмат қилмоқда. Эришилган ютуқларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишнинг учинчи омили бўлган маънавий юксакликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг одамларнинг нажоти фақат билимда ва ундан бошқаси бўлмагай деган доно сўзларини давом эттириб, энди одамларнинг нажоти билим ва маънавиятда деб айтиш тўғрироқдир. Чунки Имом Бухорий замонидан бугунга қадар ўтган вақт давомида инсоният жамиятида маънавият қашшоқлашиб борди ва натижада ахлоқсизликни маданият деб тушуниш келиб чиқди. Маънавий қашшоқлик нафақат ижтимоий тартибга ва жамият тараққиётига путур етказди, балки, ҳеч қандай муболоғасиз инсониятнинг келгусида яшаб қолишини ҳам гумон қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун бугунги кунда маънавиятни ривожлантириш масаласи, нафақат гапда, балки амалда энг долзарб муаммо ва энг устувор вазифа бўлиши лозим.

3-семинар: Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви

Режа:

1. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши.

2. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши.

Амалий машғулотнинг мақсади ва вазифалари: - Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланишини таҳлил этиш; - Кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичлари ва ривожлантирилишини ўрганиш; - Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилинишини очиб бериш; Амалий машғулотда янги педагогик технологиялардан бири - “Кластер” интерфаол усулидан фойдаланилади. Бунда асосан таянч тушунчаларга эътибор қаратилади. Амалий машғулот учун топшириқлар (таянч тушунчалар):

1. Ижтимоий сиёсат
2. Модернизация
3. Диверсификация
4. Концепцияси
5. “Ўзбек модели”
6. Ҳаракатлар стратегияси
7. Монополия
8. Банк-кредит тизими
9. Солиқ тизими
10. Инфиляция

4-семинар. Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш.

Бош мақсадимиз бўлган озод ва обод, фаровон жамият қуриш асосида халқимизнинг бахтли ҳаёт кечирини таъминлаш унинг **миллий юксалиши** билан боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистоннинг энг янги тарихи миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари ғояси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан

характерланади. Миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиб бораётган мамлакатимизда халқимизни бахтли, ҳаётини фаровон қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу хусусда гапириб, “Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, **МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН-МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ** дадил қадам қўймоқдамиз. Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.”⁴, – деб алоҳида таъкидлади. Мухтарам Президентимизнинг ушбу сўзлари миллий юксалиш жараёнидаги ишларимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қиладиган омилларни топиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси эканлигини кўрсатиб турибди. Бундай омилларни шакллантириш илмий ёндашувни талаб қилади, чунки юксалиш қонуниятларини топиш жамиятшунос олимларнинг ваколати ҳисобланади. Жамиятшунос олимларимиз, жумладан, тарихчилар жамият тараққиётига хизмат қиладиган омилларни аниқлашга ва уларни таъминлашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришлари керак бўлади. Бунинг учун, энг аввало, жамият тараққиётининг муҳим шарти нима эканлигини аниқлаб олиш ва ўшандан келиб чиқиб фикрлаш керак. Маълумки, жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлиб адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлиги хизмат қилади. Бундай тартибнинг ўрнатилганлиги назорат фаолиятига, аниқроқ айтганда давлат ва жамиятнинг шерикликдаги назорат фаолиятига боғлиқ бўлмоқда. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган назорат тизимини шакллантириш масаласи жамиятшунос олимларнинг долзарб изланиш объекти бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда сиёсий фанларнинг ривожланиши асосан мустақиллик йилларида бошланганлигини ва ўтган йиллар тарих учун унча катта давр эмаслигини инобатга олсак сиёсий мавзулардаги изланишларни, жумладан, адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда назорат фаолиятининг ўрни масаласи мавзусини етарли даражада ўрганилмаганлигини кўриш мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан мустақиллик йилларида назорат фаолиятининг илмий-назарий асосларига ва жамоатчилик назоратига бағишланган кўплаб илмий изланишлар амалга оширилди.⁵

⁴ Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.

3-том. Тошкент – “Ўзбекистон” – 1919 й., 88-бет.

5 1.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик барча даражадаги раҳбарларнинг кундалик ҳаёт кайдаси бўлиши керак. Тошкент. Ўзбекистон. 2017 йил.

2. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйча Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2017 йил.

4.Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. Ўзбекистон. 2010 й.

5.Бафоев Ш. Жамоатчилик назорати демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили сифатида // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2007 № 1.

6.Мустафоев М. Жамоатчилик назорати – жамият мувозанати // Мулоқот 2004 й. № 4

7.Мухторов Н. Амнистия актларини қўлланилишида жамоатчилик назорати: давлат бошқарув органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2010 й. № 3

8.Набиев Т., Солеев А. Ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2008 й. № 4

9.Набиев Ф. Обеспечение и совершенствование общественного контроля в программных документах политических партий Узбекистана // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2010 № 3

10.Набиев Ф. Ижтимоий назорат. Самарқанд. 2016 йил.

11.Насриев И. Дальнейшее совершенствование системы общественного контроля // Фуқаролик жамияти – Гражданское

Албатта ушбу асарлар, илмий ишлар назорат фаолиятини ўрганишда илмий методологик асос бўлиб хизмат қилишда ва назорат тизимининг муҳим элементи бўлган жамоатчилик назоратининг ривожланиши масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Лекин улар асосан назорат тизимининг у ёки бу элементига бағишланган бўлиб, уни тизим сифатида ўрганиш ва жамоатчилик назоратини самарали қилишда назорат фаолиятига доир билимни ишлаб чиқиш масаласи назардан четда қолиб келган. Ваҳоланки, назорат самарали бўлиши учун у тизим шаклида бўлиши ва назорат фаолияти ушбу фаолиятга доир билим билан қуролланган бўлиши лозим. Агар назорат тизим шаклида бўлмаса, яъни назоратни фақат юқоридан давлат амалга оширса ва жамият назоратда иштирок этмаса бундай назорат ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлмайди. Бунинг учун назорат борасида давлат билан жамият ўртасида ижтимоий шериклик ўрнатилган бўлиши керак. Ижтимоий шерикликка асосланган назорат фаолиятини самарали қилиш эса уни тизим сифатида илмий тадқиқ қилишни ва уни тарихини ўрганишни тақозо этади. Фуқаролик жамияти назорат тизимининг муҳим элементи ҳисобланади ва давлат назорати билан биргаликда назорат тизимини ташкил қилади. Назорат фаолиятига доир билим билан қуролланган ана шундай назорат тизимигина адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлади. Назорат фаолиятини ривожланиши масаласи комплекс тарзда ўрганилмаган бўлиб, ушбу изланиш назорат фаолиятини самарали қилишга хизмат қиладиган билимларни ишлаб чиқишга ундайдиган тадқиқотлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган адолатли ижтимоий тартиб назорат фаолиятига, назорат фаолиятининг самрадорлиги эса назоратга доир билимга боғлиқдир. Жамият тараққиёти тўғрисида гапиришдан олдин миллий тикланишдан миллий юксалиш сари тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаб олиш лозим. **Миллий тикланиш деганда мустамлака мамлакатнинг миллий давлатчилигининг тикланиши ва мустақил тараққиёт йўлига ўтиши билан боғлиқ жараён тушунилади.** Мустамлака мамлакатлар миллий тикланиш партиясини тузиб, йиллар давомида курашиб, минглаб қурбонлар бериб, мустақилликка эришади. Мустақилликка эришиш билан миллий давлатчиликнинг тикланиш жараёни бошланади ва бу тикланишдан юксалишга ўтиш учун фақат мустақилликнинг ўзигина етарли эмас. Мустақиллик ўз-ўзидан юксалишни таъминламайди, балки юксалиш учун шароит ва имконият яратади, холос. Мустақиллик берадиган ана шундай имкониятдан фойдалана олган давлат ўз юксалишини таъминлай олади ва жаҳонда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Бунинг учун, энг аввало, мустақилликнинг аҳамиятини ва у

общество – Civil Society. 2010 й. № 3

12. Чоршанбиев Ж. Фуқаролик жамияти шаклланишида жамоатчилик назоратининг аҳамияти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2008 й. №2

13. Ҳақимов Р. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. 2010 й. № 3

14. Ҳафизов Т. Жамоатчилик назорати ижтимоий адолат кафолатидир // Жамият. 2007 й. 9 – июн

15. Ниёзов М. “Ўзбекистоннинг демократик ривожланиши ва жамоатчилик назорати” ўқув қўлланмаси. Т.: ЮМОМ. 2012

берадиган имкониятларни чуқур англаб олиш керак бўлади.

Мустақилликнинг аҳамияти шундан иборатки, мустақил давлат ўз халқига инсонлар бахтли бўлишининг муҳим шarti ҳисобланган эркинликни беради. **Эркинлик нафақат бахтли ҳаётнинг, балки жамият тараққиётининг ҳам муҳим шarti ҳисобланади.** Лекин юқорида таъкидлаганимиздек мустақиллик берадиган эркинлик ўз-ўзидан тараққиётни таъминламайди балки унга шароит яратади холос. Бунинг учун яна бир шароит, яъни адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши керак. **Қачон ва қаердаки мустақиллик ва адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлсагина, ўша вақтда ва ўша жойда юксалиш бўлади.** Демак, мустақиллик берган миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиш учун мамлакатда адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Бундай тартибнинг ўрнатилиши эса демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг кучлилик даражасига боғлиқ. Чунки демократия ва фуқаролик жамияти адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Шундай қилиб **миллий юксалиш деганда мустақил мамлакатда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш ва ижтимоий тараққиётни юксак босқичга кўтариш асосида халқимиз ҳаётини бахтли қилиш жараёни тушунилади.**

Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги вазифаларни амалга ошириш учун демократиянинг моҳиятидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш керак. Демократия шароитида халқ ҳокимиятга эмас, балки ҳокимият халққа хизмат қилиши керак. Бунинг учун эса, энг аввало, ҳокимият **халқнинг дардини билиши** ва мавжуд ижтимоий муаммоларни аниқлаб олиши керак бўлади. Шунинг учун ислохотларни амалга оширишга қаратилган 2017 йилнинг 7 феввалида тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи босқичи “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланди. Муаммолар аниқлаб олингандан сўнг Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи босқичи бўлган 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилди. Бозор муносабатлари шароитида пул омилининг биринчи ўринга чиқиши ва иқтисодий **ривожланиш инвестицияга боғлиқ** бўлганлиги сабабли Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи босқичи, яъни 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланди. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғоясининг талабларидан ва тараққиётнинг муҳим шarti илм-фан ютуқларига асосланиш эканлигидан келиб чиқиб, 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилди. Ҳаракатлар стратегиясининг мантикий кетма-кетликда бир бирига боғланган босқичлардаги вазифаларнинг самарали амалга оширилиши **адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлигига боғлиқ.**

Миллий юксалишнинг муҳим шarti бўлган **адолатли ижтимоий тартиб** ўрнатилиши демократик сиёсий тартиботга боғлиқ. Ўзбекистонда шаклланаётган демократик давлатнинг **асосий вазифаси** адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишдан иборат. Шунинг учун адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш муаммоси фан фаолиятининг ҳам энг долзарб муаммоси бўлиши лозим. Чунки, фан муаммосининг долзарблиги замон талабидан келиб чиқади ва давлат томонидан белгилаб берилади. Тарихга назар солсак, барча даврларда ижтимоий тартиб муаммоси жамиятшунос

олимлар олдида турган энг долзарб ва энг мураккаб муаммо бўлиб келган. Масалан, юнон файласуфи Платон “Давлат” номли асарида ижтимоий тартиб ўрнатилиши учун жамиятни **интеллектуал элита бошқариши керак** деб ёзади. Қадимги дунё файласуфларидан яна бири Аристотель ўзининг “Сиёсат” номли асарида асосий эътиборни жамият структурасини таҳлил қилишга қаратган ва жамиятда тартиб бўлиши учун **“ўрта синф кучли бўлиши керак”**⁶, – деб ёзади.

Ғарб олиму донишмандларидан фарқ қилиб, Шарқда ижтимоий тартибни ўрнатишда асосий эътибор маънавиятни юксалтиришга қаратилган. Масалан, қадимги Хитой мутафаккири Конфуций таълимотида ижтимоий тартибни ўрнатишда маънавий юксакликка алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Конфуций инсоният жамиятида маънавиятнинг роли юқори эканлигини қўйидагича кўрсатган: “Агар жамият қонунлар ёрдамида бошқарилса ва тартибот жазолашлар воситасида амалга оширилса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга интиладилар, лекин улар ўзларида **ор-номусни ҳис қилмай кўядилар**; агар жамият ахлоқ воситасида бошқарилса, тартибот ахлоқий кадриятлар билан таъминланса, одамлар ор-номусни ҳис қиладилар, ҳалол ва софдил бўладилар”⁷. Конфуций ижтимоий тартиб ўрнатишни ахлоқий тарбия негизида маънавиятни юксалтириш билан боғлаганлигини тушуниш қийин эмас. Шарқ Арастуси деб ном олган Абу Наср Фаробийнинг асарларида ҳам ижтимоий тартибни ўрнатишда маънавиятга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда ҳам ижтимоий тартиб муаммоси фан фаолиятининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда, чунки ҳали ҳануз инсоният қандай қилсак жамиятда тартиб бўлади, деган саволнинг мукамал жавобини топа олгани йўқ. Ушбу муаммонинг ечими фан фаолиятига, ва, энг аввало, ижтимоий-гуманитар фанларга, жумладан, тарих фанига боғлиқдир. Шунинг учун ижтимоий тартибни ўрнатиш мақсадида ижтимоий-гуманитар фанлар ичида, энг аввало, тарих фанининг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб бериш лозим. Тарихий билимсиз бирор-бир ижтимоий фан ривожлана олмайди, аниқроқ қилиб айтганда, файласуф ҳам, социолог ҳам, политолог ҳам, иқтисодчи ҳам, психолог ҳам фақат тарихий билим негизидагини тадқиқот олиб бориши мумкин. Чунки тарихий билим инсонга фикрлаш учун керак бўлган материални берада ва унинг тафаккурини ривожлантиради.

Умуман, тарихни билмасдан туриб инсон саводли бўлиши мумкин эмас, чунки тарихий билим, юқорида таъкидлаганимиздек, тафаккурни ривожлантириб, барча ижтимоий фанларнинг негизини ташкил қилади. Машҳур донишмандлардан бирининг тарихни билмаган одам маълумотли бўла олмайди ва ўзини тасодиф деб ҳисоблаши лозим, деб ёзгани бежиз эмас. Мустақиллик шарофати билан бизда ўз тарихимизни объектив ўрганиш имконияти пайдо бўлди ва шунинг учун ҳам бугунги кунда Ўзбекистон тарихини ўрганиш миллий ғоя руҳи билан суғорилган бўлиши лозим. Энг аввало, “Ўзбекистон тарихини холисона, объектив ўрганишда мустақилликнинг аҳамияти” ва “Миллий давлатчилигимизнинг тикланишида

⁶ .Рубанов А.В. Социальный порядок: традиции и современные подходы к изучению. Журн. Белорус. Гос. Ун-та. Философия. Психология. 2017. №1.С. 46.

3. История политических и правовых учений. Древний мир. М.: Наука, 1985. с.170.

мустақилликнинг аҳамияти” мавзуларида илмий тадқиқотлар олиб бориш лозим, чунки **миллий ғоянинг асосида мустақилликни англаш ётади.**

Тарихий тадқиқотлар миллий ғоя руҳида бўлиши учун тарихий жараён хронологик кетма-кетликда ўрганилиб, ватанни ташқи душмандан ҳимоя қилиш ва мустақиллик учун олиб борилган курашлар тарихига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтайлик, 1916 йил кўзғалони мардикорликка бормаслик учун кураш тарзида келиб чиққан бўлса ҳам, унинг моҳиятида истиқлол ғояси ётганлигини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқот ҳисобланади. Бундан ташқари, тоталитар шўролар замонида минглаб зиёлиларнинг истиқлол ғояси учун қурбон бўлганликларини ҳам алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида янада кенгроқ ўрганиш лозим. Шўро мустабид тузумининг ривожланиш имкониятлари тугаганлигини ёритувчи “Маъмурий-буйруқбозликка асосланган тоталитар шўро тузумидаги хато ва камчиликлар” мавзусидаги илмий тадқиқот бозор муносабатлари йўлини танлаган ва давлатни демократлаштириш, жамиятни либераллаштириш йўлидан бораётган мамлакат учун муҳим тарихий сабоқ бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг энг долзарб муаммоси, юқорида таъкидланганлигидек, ижтимоий тартибни ўрнатиш билан боғлиқ бўлганлиги учун тарихчилар томонидан **ўтмишда ижтимоий тартиб қандай қилиб ўрнатилганлигини тарихий таҳлил қилиш муҳим илмий аҳамият касб этади.** Шунинг учун тарихчи олимлар, инсоният тарихини ижтимоий тартибни ўрнатиш нуқтаи назаридан ўрганишлари замон талаби ҳисобланади деб айтиш мумкин. Инсоният тарихининг турли даврларида ижтимоий тартиб қандай ўрнатилганлигини тадқиқ қилиш бугунги кунда тартибни ўрнатиш борасида муҳим амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бу борада буюк бобокалонимиз Амир Темур даврида ижтимоий тартибни ўрнатиш ва, умуман, ўша давр тарихий тажрибасини ўрганиш ва ижодий қўллаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Амир Темур бобомиз замонасида ижтимоий тартибни ўрнатиш “Куч – адолатда” тамойили асосида амалга оширилган. Бугунги кунда ушбу тамойилни ижодий қўллаш тараққиётнинг ўзбек модели тамойилларидан бири бўлган қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Собиқ шўролар замони ва мустақиллик даври тарихига ижтимоий тартибни ўрнатиш нуқтаи назаридан қараш бугунги кунда ижтимоий тартибни ўрнатиш борасида муҳим тарихий сабоқ бўлиши мумкин. Собиқ шўролар давлатида ХХасрнинг 70-йилларга келиб турғунлик ва инқироз аломатлари намоён бўла бошлади. Бундай ҳолатнинг келиб чиқиши мамлакатдаги бузуқ бюрократия ва **коррупция иллатида намоён бўлган ижтимоий тартибсизлик билан боғлиқ эди.** Шунинг учун шўролар давлати олий раҳбарияти ижтимоий тартибни сақлаш мақсадида жамият назоратини жорий қилишга хизмат қиладиган қонун қабул қилади⁸. Чунки, фақат давлат назоратининг ўзи билангина ижтимоий тартибни ўрнатиш иложсиз эканлиги яққол намоён бўлган эди. Улар ижтимоий тартибни ўрнатиш учун назорат жараёнига жамиятни ҳам жалб қилиш кераклигини тушуниб етишган ва англаб олишган эди. Лекин ушбу қонун асосида ташкил топган халқ

⁸ “СССРда халқ назорати тўғрисида”ги қонун. 30 ноябрь 1979 йил.

назорати кўмиталари уларга юклатилган вазифани, яъни **жамият назоратини ташкил қила олмадилар** ва бунинг оқибатида шўролар мамлакати парокандаликка учраб, барбод бўлди. Энди янги ташкил топган мустақил мамлакатлар бундан тегишли хулоса чиқариб, ижтимоий тартиб муаммосини ўзлари мустақил равишда ҳал қилишлари керак бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар – демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнини янада чуқурлаштириб, **мамлакатда мукамал назорат жараёнини шакллантиришга қаратилган**. Буни 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган Парламентнинг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан баён қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ва 2017 йил 7 февралда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да назорат тизимини такомиллаштириш борасидаги таклифлардан яққол кўриш мумкин. Ушбу таклифлар адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга қодир бўлган давлат бошқаруви ва назоратини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатни модернизациялаш концепцияси ва Ҳаракатлар стратегиясида асосий эътибор назорат тизимининг самарали ишлаб туришини таъминлайдиган механизмни шакллантириш ва унинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган. Хусусан, қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар назорат механизмнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Назорат фаолиятини самарали қилишда очиқлик тўғрисидаги қонун муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, очиқлик таъминланмаган ҳолда демократия ҳам, фуқаролик жамияти ҳам кучли бўла олмайд.

Албатта, назорат жараёнининг самарали ишлаши учун ҳуқуқий асос муҳим аҳамиятга эга, лекин, шу билан биргаликда, ушбу қонунларнинг ишлаши учун керак бўлган сиёсий-ҳуқуқий маданият янада муҳимроқ аҳамиятга эга. Шунинг учун мамлакатни модернизациялаш концепцияси ва Ҳаракатлар стратегиясида жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тарихчи олимларимиз ҳам ўзларининг муносиб ўринларига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун **инсоният тарихини сиёсий-ҳуқуқий маданият призмаси орқали ўрганиш** мақсадга мувофиқ. Бу борада асосий эътибор билим ва маънавиятнинг уйғунликда ривожланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Чунки сиёсий-ҳуқуқий маданият сиёсий-ҳуқуқий билим ва маънавият негизиде шаклланади.

Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклик даражаси нафақат назорат тизими жараёни ишлашининг, балки, умуман демократлаштириш жараёнининг ҳам энг муҳим шарти ҳисобланади. Чунки демократия ўрнатилиши учун, энг аввало, демократия шароитида яшай оладиган ва фуқаролик позицияси шаклланган шахслар керак. Агар жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти етарли

бўлмаса, демократия намоён бўлмайди ва охлократиядан фарқ қилмай қолади. Шунинг учун бўлса керак, Аристотель ўзининг “Сиёсат” номли асарида демократия тўғрисида гапириб, унга салбий баҳо берган ва демократия бошқарувнинг ёмон шакли деб айтган. Чунки Аристотель замонида одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти паст бўлган ва, демак, демократия талаблари даражасида бўлмаган. Агар бугунги кунда ҳам жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти замон талабларига жавоб бермаса, демократия юзага келмайди ва у, яъни демократия охлократиядан фарқ қилмай қолади. Шунинг учун, бугунги кунда мамлакатимизда, асосий эътибор жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига қаратилмоқда. Бугун бизларда демократиянинг шакли бор, энди биз ана шу шаклга муносиб мазмунни яратишимиз керак. Мазмун деганда сиёсий-ҳуқуқий маданияти шаклланган ва демократия шароитида яшашга қодир бўлган жамият тушунилади. Ана шундай жамият шаклланиши демократия ва фуқаролик жамиятининг муҳим шarti ҳисобланади. Бунинг учун тарихчи олимларимиз замон талабидан келиб чиқиб, кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришлари лозим.

Замон талаби эса, мамлакатимизда демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳисобланади. Шунинг учун тарихчилар демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган янги ғояларни ишлаб чиқишлари лозим. Бунинг учун демократия ва фуқаролик жамиятининг талабидан келиб чиқиб фикрлаш лозим. Демократия ҳам, фуқаролик жамияти ҳам назорат фаолияти билан боғлиқ. Чунки демократия бу нафақат ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши, балки назорат қилиниши ҳамдир. Фуқаролик жамиятининг асосий функцияси ҳокимият томонидан ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига риоя этилишини назорат қилишдан иборат. Назорат фаолияти кучайиши учун эса жамиятнинг назорат фаолиятига доир билими кучли бўлиши керак. Ҳозиргача олий таълим тизимида бирор-бир фан жамиятга назоратга доир билимни бераётгани йўқ. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш назорат фаолиятига доир билимга эҳтиёжни келтириб чиқаради. **Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, назорат фаолиятига доир билимни ишлаб чиқиш, нафақат тарихчилар, балки барча жамиятшунос олимларнинг комплекс ёндашувини тақозо этадиган замон талаби ҳисобланади.**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий юксалиш адолатли ижтимоий тартибга, тартиб эса назорат фаолиятига боғлиқ экан асосий эътибор назорат фаолиятини такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим. Назорат фаолиятини такомиллаштириш, ҳар қандай фаолият билан бўлгани каби, ўша фаолиятга доир билимга боғлиқ. **Инсоният жамиятида назорат фаолиятининг ўрни, унинг вужудга келиши ва ривожланиши масаласи тарихчи олимларимизнинг бугунги кундаги энг долзарб муаммоси ҳисобланади.** Ушбу мавзуда олиб бориладиган тадқиқотлар жараёнида шаклландиган билимларни жамиятга бериш демократия ва фуқаролик жамияти шароитида яшашга қодир бўлган авлодни тарбиялайди. Ана шундай авлод миллий юксалишнинг муҳим шarti бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга ва халқимиз ҳаётини бахтли қиладиган давлатни шакллантиришга қодир бўлади.

Миллий юксалишнинг муҳим шarti бўлган адолатли ижтимоий тартибни

Ўрнатишга қодир назорат тизимини шакллантиришга хизмат қиладиган қуйидаги илмий – амалий таклифларни бериш мумкин:

1. Назорат фаолиятига доир билимларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришга кенг шароит яратиш;

2. Ишлаб чиқилган назорат фаолиятига доир билимларни талабаларга бериш мақсадида олий таълим тизимида махсус фанни жорий этиш;

3. Демократия ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш мақсадида жамиятга назорат фаолиятига доир билимни бериш чораларини кўриш;

4. Назорат фаолиятига доир комплекс билимларни ишлаб чиқиш ва ёшларни онгига сингдириш жараёнини самарали қилиш мақсадида олий ўқув юртида кафедра очиш;

5-семинар. Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши

Амалий машғулотнинг мақсади ва вазифалари:

- Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни таҳлил этиш;

- Ўзбекистонда чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланишини очиб бериш;

Амалий машғулотда янги педагогик технологиялардан бири - “Концептуал жадвал” интерфаол усулидан фойдаланилади.

Амалий машғулот учун топшириқлар:

1. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими

2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими

3. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими

Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:

- “Концептуал жадвал” орқали муаммоли вазият яратилди

- муаммонинг мазмунининг тушуниш муҳим босқич ҳисобланади (1-устун)

- Воқеликларнинг сабаб ва омиллари билан (2-устун) тўлдирилади

- Муаммонинг ечими тўлиқ изоҳланиши керак (3-устун).

- Тегишли якуний хулосалар эса муҳим босқич ҳисобланади (4-устун)

Амалий машғулотда янги педагогик технологиялардан бири

- “Ақлий хужум” интерфаол усулидан фойдаланилади.

Амалий машғулот учун топшириқлар:

1. Либерал нима?

2. Либераллашув нима?

3. Ижтимоий ёрдам воситаларнинг вазифаси қандай?

4. Омбутсман нима?

5. Фуқаролик жамияти бу- ...

6. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар бу- ...

7. Суғурта тизими бу- ...
8. Касаба уюшмалари бу- ...
9. Суд мустақиллиги бу -...

6-семинар. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

Амалий машғулотнинг мақсади ва вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг тузилишини таҳлил этиш;

- Хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг вазифалари ва функцияларини очиб бериш; Амалий машғулотда янги педагогик технологиялардан бири

- “Т - чизма” интерфаол усулидан фойдаланилади.

Амалий машғулот учун топшириқлар:

1. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар: +ижобий, -салбий

2. Миллатлараро муносабатлар: +ижобий, -салбий

3. Хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари: +ижобий, -салбий

Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:

“Т – схема” ўтказиш босқичларини қўйидагича олиб борилади:

- Янги педагогик технологиялардан бири “Т – схема” интерфаол усули ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим

- Мавзу бўйича назарий маълумотлар яхши ўзлаштирилиши керак

- “Т – схема” интерфаол усули масала моҳиятини тўлиқ тушуниб олишга асосланган бўлиб, бунда мавзу оид бўлган тушунча, маълумот, тарихий шахслар фаолияти кабиларнинг

ижобий+,

салбий – хусусиятлари очиб берилди.

Амалий машғулотда янги педагогик технологиялардан бири - “Инсерт” интерфаол усулидан фойдаланилади.

V. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбекча изоҳи | Инглизча изоҳи |
|---------------------|--|--|
| Ислохот – | мавжуд тузумни асосларини сақлаб қолган ҳолда ижтимоий ҳаётни у ёки бу соҳасини ўзгартириш | to change this or that sphere of social life while preserving the foundations of the existing system |
| Бахт – | қўрқувсиз эркин яшаш ҳисси таъминланган ҳолда моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг тўлиқ қондирилганлик ҳолати | a state of complete satisfaction of material and spiritual needs while ensuring a sense of freedom without fear |
| Назария – | объектив дунёни ривожланиш қонуниятларини акс эттирадиган ғоялар тизими | a system of ideas that reflects the laws of development of the objective world |
| Концепция – | воқеяликни тушуниш шакли, бирор нарса тўғрисидаги қарашлар тизими, асосий фикр. | a form of understanding reality, a system of views about something, a basic idea. |
| Либерализм – | шахс ҳуқуқ ва манфаатларини давлат ва жамият манфаатидан устунлигига ва инсон фаолиятини эркинлаштиришга асосланган сиёсий мафкура | a political ideology based on the supremacy of the rights and interests of the individual over the interests of the state and society and the liberalization of human activity |
| Коррупция – | мансабдор шахслар бевосита иштирок этадиган порахўрликнинг уюшганлик ҳолати | an organized state of corruption in which officials are directly involved |
| Бюрократия – | расмиятчиликка асосланган профессионал | a layer of professional managers based on formality |

| | | |
|-----------------------------|--|---|
| | бошқарувчилар қатлами | |
| Охлократия – | ўз манфаатини давлат институтларисиз оммавий босим орқали ифодалайдиган оломон ҳокимияти | a crowd power that represents its interests through mass pressure without state institutions |
| Демократия – | ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши ва назорат қилинишида намоён бўладиган халқ ҳокимияти | the power of the people, which is manifested in the formation and control of power by the people |
| Фуқараолик жамияти – | индивидларнинг кундалик эҳтиёжлари қондириладиган фуқаролар бирлашмасининг мажмуи | a set of civic associations that meet the daily needs of individuals |
| Ижтимоий тартиб – | жамиятда қабул қилинган нормаларга риоя этиш таъминланганлик ҳолати | the state of compliance with socially accepted norms |
| Назорат – | жамиятда қабул қилинган нормаларга риоя этилишини таъминлашга хизмат қиладиган механизм фаолияти | the operation of a mechanism to ensure compliance with accepted norms in society |
| Республика – | умумхалқ сайловлари асосида шаклланадиган давлат шакли | a form of government formed on the basis of popular elections |
| Миллий тикланиш - | мустанлака мамлакатнинг миллий давлатчилигининг тикланиши ва мустақил тараққиёт йўлига ўтиши билан боғлиқ жараён | a process associated with the restoration of the national statehood of a colonial country and its transition to the path of independent development |

| | | |
|---------------------------|---|--|
| Миллий юксалиш - | мустақил мамлакатда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш ва ижтимоий тараққиётни юксак босқичга кўтариш асосида халқимиз ҳаётини бахтли қилиш жараёни | the process of making the life of our people happy on the basis of establishing a just social order and raising social development to a higher level in an independent country |
| Сиёсий маданият – | сиёсий билим ва сиёсий жараёнларда иштирок этиш тажрибаси шаклланганлик ҳолати | the state of formation of political knowledge and experience of participation in political processes |
| Ҳуқуқий маданият - | ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий жараёнларда иштирок этиш тажрибаси шаклланганлик ҳолати | the state of formation of legal knowledge and experience of participation in legal processes |
| Адолат – | воқеъликлар ўртасидаги муносиблик | compatibility between realities |
| Давлат – | жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга оширадиган суверен сиёсий тузулма шакли | a form of sovereign political structure that exercises political power in society |
| Жамият – | табиий равишда шаклланган одамларнинг биргаликда яшаш шакли | a form of coexistence of naturally formed people |
| Абсентеизм – | фуқароларнинг сайловда иштирок этишдан бош тортишда намоён бўладиган сиёсий бефарқлиги шакли | a form of political indifference manifested in the refusal of citizens to participate in elections |
| Маънавият – | объектив дунёни инсон қалбида тўғри акс этиши | accurate reflection of the objective world in the human heart |
| Билим – | объектив дунёни | accurate reflection of |

| | | |
|---|---|---|
| | инсон тафаккурида тўғри акс этиши | the objective world in human thinking |
| “Ижтимоий назорат” фанининг объекти - | ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қиладиган давлат ва жамият назоратидан иборат бўлган назорат тизими фаолияти. | the functioning of a system of control consisting of state and public control that serves to establish social order. |
| “Ижтимоий назорат” фанининг предмети - | назорат фаолияти, tizimi ва механизми, давлат ва жамият шериклигидаги назоратни ташкил қилиш ҳамда ижтимоий тартиб билан ижтимоий назорат ўртасидаги боғлиқлик масалаларини таҳлил қилиш. | analysis of the activities, system and mechanism of control, the organization of control between the state and society, and the relationship between social order and social control. |
| Ижтимоий назорат - | давлат ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан биргаликда, уйғунликда амалга ошириладиган назорат. | control exercised jointly by the state and civil society institutions. |
| Ижтимоий тартиб – | бу ҳолат, яъни ижтимоий регулятор бўлган ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига риоя қилиш таъминланганлик ҳолати. | this is the case, that is, the state of ensuring compliance with the norms of law and morality, which is the social regulator. |
| Интеллектуал элита – | зиёлийларнинг энг сара вакиллари | the best representatives of the intelligentsia |
| Ўрта синф – | ўз эҳтиёжларини қондириш учун барқарор даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам. | a social stratum with a stable income to meet their needs. |

| | | |
|---|---|---|
| <p>Жамият таракқиётини белгилайдиган муҳим кўрсаткич -</p> | <p>одамларнинг кўрқувсиз эркин яшашини таъминлайдиган ижтимоий тартибнинг барқарорлик даражаси ёки адолатсизликдан ҳимояланганлик даражаси.</p> | <p>the degree of stability of the social order that ensures that people live freely without fear, or the degree of protection from injustice.</p> |
| <p>Ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши -</p> | <p>фақат назоратга доир билимгагина боғлиқ эмас, бунинг учун маънавият негизида шаклланадиган дахлдорлик ҳиссига ҳам боғлиқдир.</p> | <p>it depends not only on the knowledge of control, but also on the sense of belonging that is formed on the basis of spirituality.</p> |
| <p>Фукаролик маданияти –</p> | <p>сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият ва фукаролик позицияси шаклланганлик ҳолати.</p> | <p>the state of formation of political culture, legal culture and civic position.</p> |

VI. Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Allison S. (Ed.). *History of Europe: Series B: Middle ages.* – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
2. Allison S. (Ed.). *History of Europe: Series C: New Era.* – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
3. Avery P. *The Cambridge History of Iran.* – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.
4. Bayly S. *The Cambridge History of India.* – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.
5. Bose S. *The New Cambridge History of Asia.* – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.
6. Brundage A. *Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing.* – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
7. Bunch B., Hellemans A. *The history of science and technology.* – Boston – New York, 2004.
8. Burton A. (Ed.). *History of the world from ancient to modern times: Europe.* – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.
9. Burton A. (Ed.). *History of the world from ancient to modern times: North and South America.* – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
10. Collins R. *The Arab Conquest of Spain, 710–797.* – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
11. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
13. *English for academics.* Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
12. Grant E. *A Source Book in Medieval Science.* – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
13. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
14. Haskins C. H. *Studies in the History of Mediaeval Science.* – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
15. Haskins C. H. *The Renaissance of the Twelfth Century.* – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
16. Huntington S.P. *The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order.* – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
17. Mahmudov O. *The beginning of the European renaissance // International Journal of*

- Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
18. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.
14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
19. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
20. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
21. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
22. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
23. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
15. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.
24. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
25. Алимova Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
26. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
27. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.
28. Габриэлян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
29. Гулобод Кудратуллох қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
30. Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. / А.Холлиев таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 2010.
31. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
32. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
33. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
34. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.

35. Ишмухамедов Р.Ж., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
36. Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
16. Матёқубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент. 2017.
37. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
38. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик кўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
39. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
40. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
41. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
42. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
43. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
44. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
45. Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so’z, 2017.
46. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

IV. Интернет сайтлар

47. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
48. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
49. [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet.uz)
50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти: www.gov.uz
51. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>
52. “Халқсўзи” газетаси – [wwwinfo XS. Uz](http://wwwinfo.XS.Uz).
53. “Туркистон” газетаси – [wwwturkistonsarkor. uz](http://wwwturkistonsarkor.uz).
54. “Маърифат” журнали – [wwwma'rifat – inform](http://wwwma'rifat-inform).
55. “Жамият ва бошқарув” журнали – wwwrzultacademyfreenetuz.
56. “Мозийдан садо” журнали – [www moziy dostlink. Net](http://wwwmoziy.dostlink.Net)